Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

3 НОЯБРЬ, 1982 ЙИЛ, ЧОРШАНБА № 250 (2.656). Баҳоси 3 тийин.

Колхозчилар, совхозларнинг ходимлари! Дон етиштиришни кўпайтирингиз! Деҳқончиликнинг илғор системасини активроқ жорий этингиз!

Ердан, техникадан, ўғитдан, меҳнат ва молия ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланингиз!

Келгуси йил ҳосилига кўпроқ эътибор ва ғамхўрлик қилайлик!

(КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан).

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ОБ-ҲАВО ЎЗ ЙЎЛИГА, ИШ ЭСА ЎЗ ЙЎЛИГА

2 ноябрь эрталабигача республикада 5.121.927 тонна пахта тайёрланди. Ана шу ҳосилнинг 2.750.384 тоннаси машиналар ёрдамида териб олинди. Кунлик ўсиш 39.413 тоннани ташкил этди. Мавсум бошидан буён 405.750 тонна, шу жумладан бир кунда 3.941 тонна ингичка толали пахта тайёрланди.

БУТУН КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛАЙЛИК! ПАХТАЗОРЛАРДА МЕҲНАТ ҒАЙРАТИ ЯНАДА АВЖ ОЛАВЕРСИН!

АВТОНОМ РЕСПУБЛИКА ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Қорақалпоғистон АССР колхоз ва совхозлари 2 ноябрь куни давлатга пахта топшириш йиллик планини муваффақиятли уддаладилар. Улкан хирмонга 400.000 тоннадан зиёд «оқ олтин» топширилди. Ана шунинг 235 минг тоннаси агрегатлар бункеридан бўшатилди. Ҳосилдорлик гектарига 31 центнерни ташкил этди.

Эришилган меҳнат ғалабасига Автоном республиканинг барча районлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Пахта тайёрлаш йиллик плани Хўжайли районида 111 процент, Беруний районида 110 процент, Элликқалъа ва Тўрткўл районларида 106 процент бажарилди. Ленинобод ва Чимбой районларининг хўжаликлари оширилган социалистик мажбурият ҳисобига хом ашё топширмоқдалар. Нукус райони заршунослари ҳам йиллик плани бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Улар давлатга 7.317 тонна дурдона топширдилар.

Автоном республикада пахта териш ва тайёрлаш давом этмоқда.

Навоий

Қизилтепа райони меҳнаткашлари пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганликлари тўғрисидаги рапортга имзо чекдилар. Қизилтепаликлар давлатга 40 минг тоннадан зиёд, шу жумладан 19 минг тонна ингичка толали пахта топширдилар. Ялпи ҳосилнинг 82 проценти биринчи сортга топширилди. Ҳосилдорлик гектарига ўртача 40 центнерни ташкил этди. Район заршунослари яна 10 минг тонна, шу жумладан 6 минг тонна ингичка толали пахта тайёрлаш мажбуриятини қабул қилдилар.

Хатирчи районидаги **«Коммунизм» колхози дала гвардиячилари машинада пахта териш йиллик планини адо этдилар.** Механизаторлар агрегатлар бункеридан 4.248 тонна хом ашё бўшатдилар. Бу ялпи ҳосилнинг 74 процентини ташкил этади.

Хоразм

Қўшқўпир райони заршунослари давлатга пахта топшириш йиллик планини бажардилар. Тайёрлов пунктларига 54.900 тонна «оқ олтин» топширилди. Ҳар гектар ердан 38,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Ялпи ҳосилнинг 33 минг тоннаси машиналар ёрдамида териб олинди. Ҳар бир машинанинг мавсумдаги ўртача иш унуми 165 тоннани ташкил этди. Ленин номли, Калинин номли, «Коммунизм», Киров номли колхозларнинг деҳқонлари гектаридан 40—43 центнердан ҳосил кўтардилар. Район заршунослари СССРнинг 60 йиллиги шарафига ялпи ҳосилни 63 минг тоннага етказиш мажбуриятини қабул қилдилар.

Сурхондарё

Ангор райони меҳнаткашлари меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Район бўйича 9.083 гектар майдондан 32 минг тоннадан зиёд ипак пахта йиғиштириб олинди. Ҳосилдорлик гектарига 35,5 центнерни ташкил этди. Тайёрлов пунктларига топширилган ҳосилнинг 99 проценти биринчи сортга қабул қилинди. Эришилган муваффақиятга «Қизил Юлдуз» ва Калинин номли колхоз пахтакорлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ангорликлар ҳосилдорликни 41 центнерга етказиб, яна 5 минг тонна пахта тайёрлаш мажбуриятини қабул қилдилар.

Қашқадарё

Қамаши райони механизаторлари машина терими планини уддаладилар. Дала гвардиячилари агрегатлар бункеридан 20.700 тонна хом ашё бўшатдилар. Механизаторлар яна 1.000 тонна хом ашё териб беришга қарор қилдилар.

Китоб районидаги қўриқ **«Китоб» совхози деҳқонлари йиллик плани бажаришди.** Улар 500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 20 центнердан ҳосил кўтардилар. Хўжалик меҳнаткашлари яна 130 тонна қўриқ дурдонаси тайёрлашга қарор қилдилар.

Косон районидаги **Энгельс номли совхоз механизаторлари ҳам машинада пахта териш йиллик планини уддаладилар.** Улар «зангори кема»лар бункеридан 3.418 тонна хом ашё бўшатдилар.

Бухоро

Ғиждувон райони хўжаликлари ингичка толали пахта топшириш йиллик планини адо этдилар. Тайёрлов пунктларига 15.300 тонна ипак пахта топширилди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 30 центнерни ташкил этди. Ғиждувонликлар яна 1.000 тонна ипак пахта тайёрлаш мажбуриятини қабул қилдилар.

Вобкент районидаги **«Зарафшон»** ва Олот районидаги **Ленин номли колхоз пахтакорлари ҳам йиллик маррага етиб келдилар.**

Жиззах

Бу йил Арнасой районида терим-транспорт отрядлари прогрессив Тошкент технологияси асосида ишлатилди. **Район дала гвардиячилари агрегатлар бункеридан 42.634 тонна хом ашё бўшатиб, йиллик планни бажардилар.** Механизаторлар Мусобақасида Юлиус Фучик номли совхоздан ака-ука Носировларнинг оилавий экипажи пешқадамлик қилмоқда. Бу тўрт ака-ука ҳозиргача 1.600 тоннадан зиёд «оқ олтин» теришда.

Наманган

Областда яна уч хўжалик йиллик маррага етиб келди.

Наманган районидаги **«Ленинград» колхози деҳқонлари 2.019 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35,5 центнердан ҳосил кўтардилар ва тайёрлов пунктига 7.200 тонна хом ашё топширдилар.**

Тўрақўрғон районидаги **«Ўзбекистон» колхози деҳқонлари эл хирмонига 6.205 тонна хом ашё топширдилар.** Бу ерда ўртача ҳосилдорлик 37 центнерни ташкил этди. Наманган районидаги **«Партия XXII съезди» колхози заршунослари эса гектаридан 37,2 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга 5 минг тоннадан зиёд хом ашё топширдилар.**

Сирдарё

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети студентлари Оқолтин райони далаларида зарбдорларча меҳнат қилмоқдалар. Ҳар бир теримчи шу кунгача 1.200 килограммдан кўпроқ пахта теришга эришди. Ҳар бир теримчи ҳисобига кунига камида 50 килограммдан пахта тўғри келаётир.

Ворошилов районидаги **К. Маркс номли колхозда йиллик план бажарилди.** Колхоз деҳқонлари 1.246 гектар майдондан 4.400 тонна хом ашё йиғиштириб олдилар. Шунинг 3.383 тоннаси машиналар ёрдамида териб олинди. Хўжалик меҳнаткашлари ялпи ҳосилни 5 минг тоннага етказиш мажбуриятини қабул қилдилар.

Андижон

Ленин районидаги «Правда Востока» колхозининг **4-агроучасткаси деҳқонлари йиллик плани уддаладилар.** Бу агроучасткада 13 пахтачилик бригадаси бор. Улар гектаридан ўртача 38,3 центнердан ҳосил кўтариб, қабул пунктларига 1.900 тонна хом ашё топширдилар.

Марҳамат районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхозининг **1-бўлими коллективи социалистик мажбурият ҳисобига хом ашё топшира бошлади.** Улар давлатга 1.150 тонна дурдона армуғон этдилар.

Фарғона

Бувайда районидаги **Дзержинский номли** ва Қувасой шаҳрига қарашли **«Шарқ Юлдузи» совхозлари йиллик плани уддаладилар.** Бу хўжаликларнинг деҳқонлари тегишли равишда 2,284 ва 1,325 тонна дурдона топширдилар.

МАРРА—55 ЦЕНТНЕР

Пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик ва зўр уюшқоқлик билан киришилди. 20 теримчининг ҳаммаси мавсумда 8—12 тоннадан «оқ олтин» териш юзасидан ўзаро беллашиб иш бошлади. Натижада йиллик план совхозда биринчи бўлиб уддаланди. Гектаридан биринчи терим ҳисобига 37,3 центнердан аъло сорт «оқ олтин» териб олиниб, қабул пунктига 250 тоннадан ортиқ дурдона топширилди.

Халқимизда «Тер тўкканга ер тўкади», деган нақл бежиз айтилмаган. Бригадамиз коллективи баҳорда гектаридан 45 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилган эди. Мўл ҳосилнинг чаноқларда қолган қисмини чамалаб, ҳосилдорликни гектар бошига 55 центнерга етказишга қатъий қарор қилдик.

Ҳозир бригадамизда пахта терими республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан уюшқоқлик билан олиб борилянти, сафарбарлик авжида. Теримчилар ўртасидаги социалистик мусобақа ҳар куни яқунланиб, илғорлар тарози тепасида рағбатлантириб борилянти.

Теримчиларо социалистик мусобақада Ҳалимахон Деҳқонова, Олтиной Муллажонова, Донохон Ниёзматова, Нурнисо Назарова, Гулнора Ҳасанова ва Ҳалимахон Одилова сингари пахтазор юлдузлари байроқдорлик қилишянти. Ҳозиргача уларнинг ҳар бири бригада хирмонига 8,5—9 тоннадан «оқ олтин» тўқди.

Биз фидокорона меҳнатимиз, қалб қўримиз йўғрилган «оқ олтин»имизни несобудсиз қисқа муддатда териб олиб, 55 центнерлик юксак социалистик мажбурият маррасини ҳам сўзсиз эгаллаймиз. Бу СССРнинг муборак 60 йиллик тўйига муносиб армуғонимиз бўлади.

Санталатой КОМИЛОВА,
Киров районидаги «Бешариқ совхоз-техникумининг пахтачилик бригадаси бош лиғи.

Ҳар бир фурсатни ғанимат деб билган Арнасой районидаги Тимошенко номли совхоз пахтакорлари йиғим-теримни уюшқоқлик вазнятида ўтказмоқдалар. Бунда айниқса Карим Азизов етакчилик қилаётган 3-бўлим пахтакорларининг иши диққатга сазовор бўлмоқда. Бўлим заршунослари айни кунларда мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширишянти. Аҳил коллектив бўлимлар ўртасидаги мусобақада бу сафар ҳам ғолиб чиқиб, совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти томонидан таъсис этилган кўчма Қизил байроқни қўлга киритди.

СУРАТДА: бўлим бошқарувчиси Карим Азизов (чапда) бир группа ғолиб механизаторлар билан.

С. Маҳкамов фотоси.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 2 ноябрга бўлган.

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	0,10	107,69	—	103,13
ХОРАЗМ	0,63	101,67	0,80	91,29
ҚҚАССР	0,84	99,17	0,68	84,82
Бухоро	0,84	97,10	0,56	40,55
Навоий	0,64	90,81	0,85	66,00
Сурхондарё	0,66	88,39	0,57	56,67
Сирдарё	0,25	83,28	0,15	82,85
Жиззах	0,51	80,86	0,06	73,31
Қашқадарё	0,51	80,79	0,66	66,99
Самарқанд	0,80	79,54	1,10	70,79
Андижон	0,88	79,02	1,07	60,91
Наманган	0,72	78,57	0,65	53,39
Фарғона	1,08	76,94	1,67	62,39
Республика бўйича	0,67	86,96	0,68	70,16
Шу жумладан ингичка толали пахта.				
НАВОИЙ	1,89	131,88	3,41	103,00
НАМАНГАН	1,36	127,16	—	38,93
Сурхондарё	0,81	107,77	0,79	83,26
Бухоро	2,37	101,65	3,33	32,85
Қашқадарё	1,04	92,89	0,81	59,72
Республика бўйича	1,01	104,04	1,00	73,32

Л. И. БРЕЖНЕВ ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТЛАРИНИ ТОПШИРДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев 2 ноябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Тихоновга ва бошқа бир группа ўртоқларга Ватаннинг олий мукофотларини топширди.

Мукофотларни топшириш чоғида ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Бугун менинг эниммамга Совет давлатининг бир қатор таниқли арбобларига, ишчилар синфимиз билан совет фанининг атоқли намояндаларига олий мукофотларни топширишдек ёқимли вазифа юклатилган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Николай Александрович Тихоновнинг мамлакатимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашдаги катта хизматлари Ленин ордени ҳамда иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали билан тақдирланди.

Бу— чиндан ҳам муносиб мукофотдир. Мамлакатимизнинг гоят муҳаббат халқ хўжалик организмига раҳбарлик қилиш соҳасида Совет ҳукумати бошлигининг бажариши лозим бўлган жуда катта ҳажмдаги ишларни сўз билан ифодалаш қийин. Николай Александровичнинг бой тажрибаси, унинг камдан-кам учрайдиган ишчанлик қобилияти ва меҳнатдаги фидокорлиги, унинг қатъий партиявий принципиаллиги— мен неча ўн йиллардан бери яхши билиб келаётган унинг мана шу ҳамма фазилатлари ўзининг мураккаб вазифаларини муваффақиятли уддалашига ёрдам бермоқда.

Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамонига олий мукофотни топширар эканман, дўстимиз ва Ўртоғимиз Николай Александровичга чин кўнгилдан сиҳат-саломатлик ва унинг совет халқининг бахт-саодати йўлидаги масъулиятли фаолиятида янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Чин кўнгилдан қутлайман, Николай Александрович!

* * *

Л. И. Брежнев ҳозир бўлган кишиларнинг қарсаклари остида Ленин ордени билан «Ўроқ ва Болға» олтин медалини Н. А. Тихоновга топширди. Н. А. Тихонов жавоб нутқи сўзлади.

Ўртоқ Н. А. ТИХОНОВ нутқи

Азиз Леонид Ильич!

Мен ўз ҳаётимдаги қувончли воқеадан ва Сиз, азиз Леонид Ильич менинг шаънимга айтган самимий сўзларингиздан бениҳоя тўлқинландим.

Давлатимизнинг олий мукофотига сазовор бўлиш бахтига муяссар бўлганлигим учун партия Марказий Комитетига, Сиёсий бюросига, Олий Совет Президиумига сидқидилдан ташаккур айтаман.

Мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, совет кишиларининг турмушини яхшилаш, тинчликни таъминлаш ҳамиша партиямиз, Совет давлатимиз ва ҳукуматимиз сиёсатининг биринчи даражали иши, бош мазмуни бўлиб келди.

Мамлакатимиз шонли юбилей— СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини кутиб олиш йўлида турмушнинг ҳамма соҳаларида эришаётган катта-катта зафарлар Коммунистик партиянинг сиёсати тўғри, чиқарилган ленинча сиёсат эканини ишонарли тарзда жуда яққол кўрсатиб турибди. Бу сиёсатга коммунистлар, барча совет кишилари зўр ишонч билан қараб, уни қўллаб-қувватламоқдалар.

Шахсан мен учун, ҳукуматнинг барча аъзолари учун иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш юзасидан, халқ фаровонлигини ва маданиятини янада ошириш юзасидан партия XXVI съезди қабул қилган қарорларни бажариш устида тинимсиз меҳнат қилишдан ҳам муҳимроқ бурч йўқ, бундан ҳам юксакроқ масъулият йўқ.

Леонид Ильич, Марказий Комитет партия ва халқнинг атоқли раҳбари сифатида Сиз бошчилик қилаётган Сиёсий бюро мана шу тинчлик ва коммунистик бунёдкорлик сиёсатини турмуша татбиқ этиш соҳасида ўтказаётган улуғвор ишдаги ўз улушимни англаш менга айниқса қувонч бахш этишини яширмайман.

Ўзимизнинг ҳал этилмаган масалаларимизни мен ва Министрлар Советининг ҳамма аъзолари равшан кўриб турибмиз, партия ўртага қўйган, Леонид Ильич, Сизнинг Марказий Комитет Пленумларидаги докладларингизда, ўз мулоҳазаларингизни билдириб ёзган хатларингизда ва Сиёсий бюродаги нутқларингизда баён этилган вазифалар рўёбга чиқарилишига янада зўр қатъият билан ҳаракат қилиш зарурлигини жуда яхши тушунамиз, албатта.

Биз буни англаймиз ва ўз фаолиятимизни яхшилашга, уни янги поғонага кўтаришга интиламиз.

Бугун шу юксак мукофотни қабул қилиб олар эканман, бундан буён ҳам улуғ Ватанимиз бахт-саодати йўлида қунт билан меҳнат қилабераман, бутун қучимни коммунизм улуғ идеалларининг тантанасига сарфлайбераман, деб партия Марказий Комитетига, Сиёсий бюрога, Олий Совет Президиумига, Сиз, азиз Леонид Ильичга ваъда бераман.

* * *

Сўнгра ўртоқ **Л. И. Брежнев** ҳозир бўлган кишиларга мурожаат этиб, бундай деди:

Ўртоқлар! Бугун Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларидан яна беш киши Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва Болға» олтин медалларини олмоқдалар.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Алексей Константинович Антонов, СССР кўмир саноати министри Борис Фёдорович Братченко ва СССР Телевидение ҳамда радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси Сергей Георгиевич Лапин Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ва етмиш ёшга тўлганликлари муносабати билан юксак унвонга сазовор бўлдилар.

Ўртоқ Антонов сал кам эллик йиллик умрини саноатимиз ишига бағишлади. Бу истеъдодли ташкилотчи, яхши мутахассис, таниқли давлат арбоби оддий инженердан электр-техника саноати министригача, ҳозир эса СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Ўртоқ Братченко — кўмир саноатининг ветерани, у шу саноатда сал кам қирқ йилдан буён, шу жумладан ўн етти йил масъулиятли министр лавозимида ишлаб келмоқда. Юксак даражада билимдонлик, зўр меҳнатсеварлик, шахтёрларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари тўғрисида астойдил ғамхўрлик қилиш ўртоқ Братченко иш услубига ҳамиша хос бўлиб келди. Аминманки, ана шу фазилатлар бугунги кунда мамлакатнинг кўмир саноати олдида турган ғоят муҳим вазифаларни ҳал этишда унга ёрдам беради.

Биз ҳаммамиз ўртоқ Лапинни идеология фронтининг актив курашчиси, сергайрат, матонатли, принципиал киши сифатида аллақачондан буён биламиз. У неча ўн миллионлаб совет кишиларининг бевосита ақли ва қалбига етиб борадиган ахборот воситаларимиздан, энг оператив, энг оммавий тури фаолиятига раҳбарлик қилиб, партиянинг йўлини маҳорат билан амалга ошириб келмоқда.

Москва шаҳар телефон тармоғи Тушино телефон узелининг кавшарловчи кабелчиси Юрий Григорьевич Винник ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш соҳасида эришган ғоят катта ютуқлари ва ишда юксак сифатларга эришгани учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари унвонини олди. Ўртоқ Винник — коммунист, сал кам ўттиз йиллик стажи бўлган кекса ишчидир. У ишлаб чиқариш планларини муддатидан илгари ва ишларни яхши сифатли қилиб бажармоқда, меҳнат унумдорлигини сабот билан оширмоқда. Унинг ҳисобида катта иқтисодий самара берган ўнга яқин рационализаторлик таклифлари бор. Шунинг учун ва етмиш ёшга тўлганлиги муносабати билан юксак унвонга сазовор бўлдилар.

Ўртоқ Братченко — кўмир саноатининг ветерани, у шу саноатда сал кам қирқ йилдан буён, шу жумладан ўн етти йил масъулиятли министр лавозимида ишлаб келмоқда. Юксак даражада билимдонлик, зўр меҳнатсеварлик, шахтёрларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари тўғрисида астойдил ғамхўрлик қилиш ўртоқ Братченко иш услубига ҳамиша хос бўлиб келди. Аминманки, ана шу фазилатлар бугунги кунда мамлакатнинг кўмир саноати олдида турган ғоят муҳим вазифаларни ҳал этишда унга ёрдам беради.

Биз ҳаммамиз ўртоқ Лапинни идеология фронтининг актив курашчиси, сергайрат, матонатли, принципиал киши сифатида аллақачондан буён биламиз. У неча ўн миллионлаб совет кишиларининг бевосита ақли ва қалбига етиб борадиган ахборот воситаларимиздан, энг оператив, энг оммавий тури фаолиятига раҳбарлик қилиб, партиянинг йўлини маҳорат билан амалга ошириб келмоқда.

Москва шаҳар телефон тармоғи Тушино телефон узелининг кавшарловчи кабелчиси Юрий Григорьевич Винник ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш соҳасида эришган ғоят катта ютуқлари ва ишда юксак сифатларга эришгани учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари унвонини олди. Ўртоқ Винник — коммунист, сал кам ўттиз йиллик стажи бўлган кекса ишчидир. У ишлаб чиқариш планларини муддатидан илгари ва ишларни яхши сифатли қилиб бажармоқда, меҳнат унумдорлигини сабот билан оширмоқда. Унинг ҳисобида катта иқтисодий самара берган ўнга яқин рационализаторлик таклифлари бор. Шунинг учун ва етмиш ёшга тўлганлиги муносабати билан юксак унвонга сазовор бўлдилар.

Ўртоқ Антонов сал кам эллик йиллик умрини саноатимиз ишига бағишлади. Бу истеъдодли ташкилотчи, яхши мутахассис, таниқли давлат арбоби оддий инженердан электр-техника саноати министригача, ҳозир эса СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди

ҒАМХЎР ВА ТАЛАБЧАН

КПСС Марказий Комитетининг май (1962 йил) Пленумия қарорлари, СССР Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилиши халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида, ҳар бир ишлаб чиқариш ячейкасида юксак талабчанлик, уюшқоқлик, ишга ижодий муносабат вазнитини вужудга келтиришни тақозо этади. Бунга эришиш учун партия ташкилотлари, снёсий ва ташкилотчилик ишларини янада такомиллаштиришлари, омманинг меҳнатдаги активлигини бутун чоралар билан ривожлантиришга, интизомни мустаҳкамлашга, кадрларга нисбатан талабчанлик ва ғамхўрликни ошириб, уларнинг шахсий масъулиятини кучайтиришга алоҳида эътибор беришлари даркор. Зеро, леннинча иш услубини қарор топтириб, партия ва давлатнинг бебаҳо, энг қимматли ядроси бўлган кадрлар тўғрисида алоҳида қайғурмай, уларни танлаш, тарбиялаш, жой-жойига қўйиш ҳақида бош қотирмай туриб, олдимиздаги масъулиятли вазифаларни муваффақиятли бажариш мумкин эмас.

Қашқадарё область Шаҳрисабз район партия комитетининг биринчи секретари Н. ҲИКМАТОВ шулар ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини махсус мухбиримиз М. ҚАЮМОВ билан ўртоқлашди.

— Ҳаёт ўртага қўяётган вазифаларга мувофиқ равишда партиявий иш янги мазмун билан бойиб бормоқда, — деб сўз бошлади Неъмат Ҳикматович. — Иш услуби ва методларини партиянинг принципиал қўрсатмалари асосида такомиллаштириб бориш барча партия ва хўжалик раҳбарларининг бурчи. Аммо, бу мураккаб вазифа бўлиб, у фаолиятимизнинг асосий йўналишларини синчиклаб ўрганишни, ютуқ ва камчиликларни атрофлича таҳлил қилишни, ишнинг ҳозик участкаларини конкрет аниқлаб олишни талаб қилади.

Равшанки, ишдаги муваффақиятларимиз ҳам, камчиликларимиз ҳам кадрларимиз фаолиятига, ишни қандай юритишларига боғлиқ. Мамнуният билан таъкидлаш лозимки, ҳозирда район партия ташкилоти билимдон, фикр доираси кенг, ижодий, омилкор, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларига ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қила оладиган бақувват кадрлар ядросига эга. Улар бизнинг фахримиз, суянган тоғларимиздир.

— **Неъмат Ҳикматович, кадрларни танлаш, тарбиялаш, уларга нисбатан ғамхўр ва талабчан бўлишнинг аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Ҳар қандай кадр қўлимизга ҳеч қачон тайёр ҳолда келмайди. У қайноқ меҳнат жараёнида, одамлар билан муомала ва муносабатда чиниқади, йиллар мобайнида тажриба орттириб, вояга етади. Биласизми, агар образли қилиб айтганда ҳар бир кишида ижобий ва салбий хислатларнинг қуртаги бўлади. Хўш, қўлимизга келган ва не-не умидлар билан иш бошлаган кадрда қайси хислатларнинг қуртаги ниш уради. Бу шубҳасиз унга қўрсатилаётган эътибор, муомала муносабатга, атрофидагиларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Фикримни ҳаётий мисол орқали тушунтирсам. Энгельс номли колхозда эришилаётган қўрсаткичлар бизни ташвишлантириб қўйди. Хўжаликдаги шароит, ҳақиқий аҳвол билан атрофлича танишгач кўпчиликнинг таклифини инботга олиб, колхоз раисини алмаштириш керак, деган қарорга келдик. Район партия комитети ажойиб ташкилотчи, колхоз ишлаб чиқаришни яхши биладиган принципиал коммунист Болта Шербобоевни ана шу масъулиятли вазифага тавсия этди. Лекин райкомнинг бюро аъзолари унинг ғоҳида керагидан ортиқ қизиққонлигини яхши билардилар. Шу боисдан дастлабки йилларданоқ янги раиснинг фаолияти назорат остига олинди. Вақти-вақти билан ахбороти тингланиб, ҳар томонлама ёрдам ва мадад қўрсатилди. Ҳамжиҳатликда, мавжуд камчиликларни тугатишга қаратилган тадбирлар изчил амалга оширилди. Райкомнинг бюро аъзолари Б. Шербобоевга одамлар билан ишлаш, билим доирасини кенгайтиришда яқиндан ёрдам қўрсатдилар. Вақт ўтиши билан янги раис ҳар томонлама ўсиб, снёсий-маънавий жиҳатдан чиниқди. Меҳнатда, амалий ишда тобланиб, камол топди.

Орадан нақи йил ўтгач, коммунист Шербобоев колоқ Калинин номли колхозни қўлига олиш, пахтачиликни кескин ривожлантириш ташаббуси билан чиқди. Бу қимматли ҳаракат район партия комитети томонидан маъқулланди. Мана, ҳозирда Энгельс номли колхоз райондаги энг бақувват, ҳар соҳаси комплекс ривожланиб бораётган байроқдор хўжалик. Бу ерда беш йил ичида пахта ҳосилдорлиги 20 центнерга ошди. Хўжалик деҳқонлари юбилей йилида ҳам йиғим-терим ишларини зўр уюшқоқлик билан олиб бориб, областда биринчилар каторида йиллик планни бажардилар. Давлатга 13 минг тоннадан ортиқ пахта топширилди. Ҳосилдорлик колхоз бўйича гектар бошига 40 центнердан ошди. Шу кунларда колхоз пахтакорлари бугун-эрта мажбуриятни бажарамиз, деб туришибди:

Бундай илиқ гапларни «Коммунизм» колхозининг раиси А. Эшматов, «Ленинград» колхозининг раиси Р. Худойқулов каби омилкор раҳбарларимиз шаънига ҳам айтиш мумкин. Хўш, бу раҳбар кадрларимизнинг кучли томони нимада? Аввало улар ишчан, одамларга меҳрибон, самимий, камтар, беғубор, садоқатли кишилардир. Улар масъулиятли лавозимларда ишлаётган бўлишларига қарамай, ўзларини доимо эл хизматкори, партиянинг оддий солдати деб биладилар ва шу яхши ҳис-туйғулар билан яшайдилар; меҳнат қиладилар. Улар ленинча иш услубига амал қилиб, раҳбарликда коммунистларнинг, меҳнаткашларнинг фикрларига қулоқ соладилар, халқ донишмандлигидан ўрганиб, катта ишларни амалга оширадилар. Лекин ҳар қанча кўп иш қилсалар ҳам бунга ортиқча баҳо бермайдилар. Аксинча бу ишга кўпчиликнинг меҳнати сиғанлигини таъкидлайдилар ва уларни қадрлайдилар. Шунинг учун ҳам бундай ажойиб кишилар раҳбарлик қилаётган коллективларда ҳар доим, ҳар қандай шароитда ҳам йил ёруғ юз билан якунланмоқда.

Кадрлар ҳақида гап кетганида мени кўпинча ўйлантирадиган яна бир масала хусусида тўхталмоқчиман. Баъзи партия ташкилотлари бирор масъулиятли участкага муносиб қашина тайинлагандан сўнг уни ўз ҳолига ташлаб қўядилар. Бу нотўғри. Негаки, ҳар қандай кадр ўзини тутиб олиши, маълум даражада қўникма ҳосил қилгунча ёрдамга муҳтож бўлади. Агар янги ишга тайинланган кишига вақтида ёрдам қўлини чўзиб, уни қўлга олиб, Калинин номидаги чорвачилик комплексига директор этиб тайинладик. Аммо, уни ўта масъулиятли вазифада муқим ишлаб кетиши учун лозим даражада ғамхўрлик қўрсатилмади. Бўлмаса комплексда ишни намунали йўлга қўйиш учун қатор муаммоларни ҳал этиш лозимлиги ҳаммага аён эди. Ўз-ўзидан бу ерда иш олга босмади. Кадрлар қўнимсизлиги юзага келди. Директор ҳам қанчалик тажрибали бўлмасин саросимага тушди, лаб-қувватлаш ўрнига ҳадеб иш талаб қилаверсак, у саросимага тушиши, ўз кучига ишонмай қолиши, пировард натижада ихлоси қайтиб, кўпчиликни ортидан эргаштириб кетолмаслиги тайин гап. Бундай камчилик бизнинг фаолиятимизда йўқ деёлмайман. Эътиқоди коммунист, зоотехник Соҳиб Хидиров кўп йиллардан буён халол меҳнат қилиб, бой тажриба орттирган. У қаерда ишламасин ўзининг омилкорлиги, ташкилотчилиги билан чорвачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Шу сабабли унинг ана шу фазилатларини ҳисобга олиб, Калинин номидаги чорвачилик комплексига директор этиб тайинладик. Аммо, уни ўта масъулиятли вазифада муқим ишлаб кетиши учун лозим даражада ғамхўрлик қўрсатилмади. Бўлмаса комплексда ишни намунали йўлга қўйиш учун қатор муаммоларни ҳал этиш лозимлиги ҳаммага аён эди. Ўз-ўзидан бу ерда иш олга босмади. Кадрлар қўнимсизлиги юзага келди. Директор ҳам қанчалик тажрибали бўлмасин саросимага тушди, лиги сабабли ҳар соғин сигирдан 3 минг килограмм ўрнига 4 минг килограммдан сут соғиб олиш имконияти вужудга келтирилди... Демак кадрларга доимо дўстона маслаҳат, амалий ёрдам бериш даркор. Уларга ишонч, ҳурмат топширилган иш учун юксак талабчанлик билан уйғунлаштириб олиб борилиши керак.

— **Район партия ташкилоти кадрларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш билан бирга ўз вазифаларига, хизмат бурчига совуққонлик, масъулиятсизлик билан ёндошаётган кишиларга нисбатан қандай муносабатда бўлянти?**

— Ҳар ким ҳам хато ва камчиликларга йўл қўйиши мумкин. Бироқ, хатоларнинг хатолардан фарқи бор. Аксарият хатолар совуққонлик, масъулиятсизлик оқибатида келиб чиқади. Лекин киши эзгу ниятни рўёбга чиқариш жараёнида тажрибасизлик қилиб, хатога йўл қўйиши мумкин. Шундай пайтда партия ташкилотлари, хўжаликларнинг раҳбарлари ғоят объектив бўлишлари лозим. Акс ҳолда яхшини бир зумда ёмон отлиқ қилиш ҳеч гап эмас. «Шаҳрисабз» колхозининг бригадири А. Раҳмонов ишдан олинганлигини эшитган заҳотим менда шубҳа туғилди. Негаки, уни пахта илмини яхши биладиган, доимо янгиликка интилувчи коммунист сифатида таниридим. Яна бир муҳим фазилати ноҳақликни, локайдликни кўрдими ёниб кетади. Ўзига ҳам, бошқаларга ҳам тинчлик бермайди. Бир кун ўтгач бригадирнима сабабдан ишдан бўшатилганлигининг сабаблари билан атрофлича танишиш, мақсадида хўжаликка бордим. Колхоз раҳбарлари, 4-бригада аъзолари билан атрофлича суҳбатлашганимдан сўнг қуйидагилар маълум бўлди. А. Раҳмонов чинакам коммунистга хос иш тутиб, камчиликларга йўл қўяётганларнигина эмас, балки ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг барча имкониятларидан фойдаланмаётганларни, ташаббускорлик кўрсатмаётганларни, пассив ҳаёт кечираётганларни танқид остига олиб, уларнинг фаолияти устидан назоратни кучайтирган. Нияти барчани бирдек ишлашни таъминлаб, пахта ҳосилдорлигини кескин оширишга эришиш бўлган. Бу баъзи қимсаларга ёқмаган. Улар бригада бошлиғини қўполликда, манманликда айблаганлар. Шу ўринда колхоз партия комитети вазиятга тўғри баҳо бериб, коммунист позициясини қўллаб-қувватламаган. Ҳатто ишдан олинганда ҳам унга ёрдам қўлини чўзадиганлар кам бўлган.

Ўша куни колхозчиларнинг умумий йиғилишида бу масала қайта кўрилиб, оғзига қучи етмаганларга қаттиқ зарба берилди... Коллективда соғлом, ижодий муҳитни юзага келтиришга қаратилган тадбирлар белгиланди. Мана, бу йил бригадирнинг режалари амалга ошганлиги туфайли коллектив ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олиб, планни биринчилар каторида бажарди. Ҳозир юбилей шарафига 50 центнерлик марра учун кураш олиб борилянти.

Мана шу воқеанинг сабоқ бўладиган томони бор. Хўш, район партия комитети бу воқеадан бехабар қолиб, умр бўйи пахта деб юрган киши ноҳақ ишдан бўшатилса, қанчалик ҳунук бўларди. Ахир, бригадирнинг қалбида одамлар ҳақида қанчалик чалкаш фикрлар пайдо бўлишини бўлиб қўринг-а? Ҳаётимизда етти ўлчаб бир кес, деган мақол бор. Аммо, одамлар тақдири ҳақида гап кетганда юз марта ўлчаб, сўнг кесиш даркор!

Ҳозирги кунда район партия ташкилоти КПСС XXVI съезди ҳамда партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари асосида иш юритиб, изчил кадрлар снёсатини амалга оширмоқда. Аҳолида таъкидлаш лозимки, жойларда кадрларнинг ижодий ғайратини, ташаббусини чеклаб қўйиш, очиқроқ қилиб айтганда бўтиш, бўлар-бўлмасга баҳслашиб, одамларнинг асабини бузиш, сайлаб қўйилган раҳбарлик лавозимида туриб, партия ва давлат яратиб берган имкониятларни суистеъмол қилиш, маъмуриятчилик сингари яроқсиз воситани қўллаб, раҳбарликдаги соғлом муҳитни ҳиралаштириш каби ҳолларнинг бўлмаслиги учун қаттиқ қурашмоқдамиз.

Маълумки, хўжалик раҳбарларини ҳадеб алмаштираверсак одамларда ўзига нисбатан ишончсизлик кайфиятини уйготади. Шу сабабли биз совуққонлик қилаётган кадрларга нисбатан тарбиявий чоралар қўриб, улар ўз ишларида ўзгариш қилишлари учун имкон яратяпмиз. Аммо ҳадеб кечираверсак партиявий интизомга зид. Буни яхши англаган ҳолда вақтида тегишли хулоса чиқариб олмаётган кадрлар фаолиятига принципиал баҳо берилянти.

Ленин номли колхоз ўзини анча тутиб олган хўжалик эди. Ана шу колхозга партком секретари сифатида ўтган фаолият юритган Шулай Эсонов раис этиб сайланди. Қаранг, бир йил ичида бу ерда иш оркага кетди. Район партия комитети хўжаликнинг иши билан яқиндан танишиб, жиддий хатолар рўй бераётганлигини аниқлади. Носоғлом маънавий муҳит, кадрлар билан ишлашдаги партиявий принципларнинг бузилиши, одамларга нисбатан бефарқ муносабатда бўлиш иш оркага кетишининг асосий сабаблари эди. Янги раис ўзига биллирилган юксак ишончни сидқидилдан оқлаш учун ҳалол тер тўкиш, уни ҳурматлаб, шу лавозимга қўтарган кишиларни кадрлаш ўрнига кибр-ҳавога берилди. Йиллар мобайнида коллектив меҳнати, ақл-заковати билан эришилган ютуқларни ўз шахси билан боғлай бошлади... Оқибатда бир йилнинг ўзида пахта ҳосилдорлиги гектарига 5 центнерга камайтириб юборилди. Бундай хўжалик раҳбарига нисбатан тарбиявий чора қўриш бефойда эди. Шунинг учун колхозчиларнинг умумий йиғилишида тажрибали пахтакор Қўчқор Қурбонов колхозга раис этиб сайланди. Ҳозир бу ерда иш қўнгилдагидек кетяпти.

Район партия ташкилоти эътиқодли, ишбилармон кадрларимизнинг тадбиркорлиги ва ташаббускорлигига таянган ҳолда СССРнинг Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажарилишига муносиб улуш қўшишга қаратилган тадбирларни изчил амалга оширмоқда. Бу йил Ватанга 66.500 тонна пахта топшириш учун бутун чоралар билан ҳаракат қиляпмиз. Шунингдек, чорвачилик ҳам изчил ривожлантирилянти. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан давлатга гўшт, сут топшириш 11—13 процентга ошди. Бошқа соҳалар бўйича ҳам натижалар салмоқли бўляпти.

Буларнинг ҳаммаси кадрларимиз самарали меҳнатининг меваси. Сўз ва иш бирлигига эришиш, олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш, ҳаёт илгари сураётган масалаларни тез пайқаб олиш, уни оператив ҳал этишда ташаббус кўрсатиш кадрларимизнинг энг яхши фазилатидир. Улар фаолиятида уйғунлашган хусусиятлардан бири топширилган вазифага онгли муносабатда бўлиб, масъулият ва жавобгарлик ҳис этиб, уни ўз вақтида бажаришдир. Бу — кадрларимизнинг тўғри йўлдан боришлари учун уларга кўрсатилаётган катта ёрдам ва ғамхўрликнинг натижаси. Улар бор экан партия белгилаб берган режаларни муваффақиятли рўёбга чиқараверамиз.

Партия турмуши: комитетнинг иш услуби

ЧОРВАГА ҲАМ ПАХТАДЕК ЭЪТИБОР

АҲОЛИ ТАЛАБИ— БОШ МЕЗОН

КПСС Марказий Комитети қабул қилган Озиқ-овқат программасида жамоат чорвачилигини кескин ривожлантиришнинг, унинг маҳсулдорлигини муттасил ошира боришнинг конкрет йўлйўриқлари қўрсатиб берилди. Чунки турмуш талаби, тараққиёт, совет кишиларининг тўхтовсиз ўсиб бораётган эҳтиёжлари чорвачиликни ҳар томонлама юксалтиришни тақозо этмоқда.

Баъзан шундай фикрларни эшитиб қоламан: бу йил ўтган йилдагига нисбатан сут етиштиришни 2 процентга, гўшт етиштиришни 3 процентга, тухум тайёрлашни 5 процентга қўпайтирдик. Дарҳақиқат, бундай олиб қаралганда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ошган. Лекин шундай ҳақли савол туғилади. Аҳоли сони 7 процентга ортган бўлсачи? Унда 5 процент сут, 4 процент гўшт, 2 процент тухум етишмайди-ку!

Чорвачилик маҳсулоти етиштиришни ва тайёрлашни қўпайтириш масаласига чуқуррок ёндошмоқ керак. Шунинг учун ҳам партиямиз маҳсулот етиштиришни қўпайтириши илгари эришилган рақамларга қиёслаб эмас, балки аҳолининг тез ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини кондириш асосида бажаришни муҳим вазифа қилиб қўймоқда.

Маълумки, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни қўпайтириш юзасидан районимиз бошлаган ташаббус Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида маъқулланган. Ўн биринчи беш йиллик охирига бориб сут, тухум, гўшт, айниқса, бройлер гўшти етиштириш ва тайёрлаш кескин қўпаяди. Бугунги ишларимизнинг ҳаммаси ана ўша ташаббус талаблари асосида олиб борилаётир.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни қўпайтиришнинг асосан иккита таянч нуқтаси бор. Биринчиси, чорва сонини қўпайтириш ва наслини яхшилаш, иккинчиси, мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтириш. Бошқа ҳамма резерваслар, ҳаракатлар мана шу масалаларга келиб боғланаверади. Агар ҳар қандай хўжаликда мана шу икки таянч нуқтанинг бирортаси салгина эътибордан четда қолар экан, маҳсулот етиштиришни қўпайтириш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Районимиз ташаббуси маъқулланганидан кейин биз ҳам ўз хўжалигимизда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни қўпайтириш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб чиқдик. Ўтган йили ҳам, бу йил ҳам ана шу тадбирда белгиланган чорва моллари бош сони планини ортиғи билан бажардик. Қорамоллар 1000 ўрнига 1069 бошга, шу жумладан, сигирлар 295 ўрнига 307 бошга, совлиқлар 960 ўрнига 1060 бошга, паррандалар 1150 ўрнига 4034 тага етказилди. 1982 йилда қўйлардан қўзи олиш тадбирда белгиланган 918 ўрнига 943 бошга етди ва ҳаммаси соғлом ўстирилди. Бу йил ҳаммаси бўлиб 248 та бузоқ олишимиз керак эди. 9 ойда 209 та бузоқ олдик. Яна йил охригача 45 та бузоқ олиб, бу рақамни ҳам 254 тага етказамиз.

Янги беш йилликнинг икки йили ичида сигир ва совлиқлар зотининг 60 процентини яхшилаб олдик. 1984 йилга бориб эса корамол ва қўйлар наслини 100 процент маҳсулдор зотларга айлантирамиз. Соғин сигирлар зотини яхшилашдаги меҳнатимиз шу йилнинг ўзидаёқ катта самара берди. Тадбирларимизда белгиланган план бўйича бу йил ҳар бош соғин сигирдан 2256 килограммдан сут соғиб олишимиз керак. Ўтган 9 ойда ҳар бош сигирдан 1837 килограммдан сут соғиб олинди. Бу ўтган йилги шу муддатдагидан 199 килограмм кўп демакдир. Ёки ҳар ойда битта сигирдан 188 килограмм ўрнига 204,5 килограммдан сут соғиб олдик. Бу суръатни қолган ойларда ҳам пасайтирмаймиз.

Чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини яратишда барча имкониятлардан фойдаланяпмиз. Бу соҳадаги ишоримиз — «Бир йилда бир ярим йилга етадиган озуқа жамгариш... Ҳозирга қадар ем-хашак тайёрлашни ҳамма турлари бўйича йиллик планни ортириб бажардик. 9 ойда пландаги 3100 ўрнига 3267 тонна силос, 1495 ўрнига 1642 тонна сенаж, 263 ўрнига 425 тонна табиий пичан, 307 ўрнига 337 тонна сомон, 484 ўрнига 535 тонна беда пичани, шунингдек, 55 тонна витаминли ўт уни, 250 тонна лавлаги тайёрлаб қўйдик.

Бу йил 74 гектар маккажўхорининг ҳар гектаридан 75 центнердан дон етиштирдик. Ҳосили йиғиштириб олинган майдоннинг 20 гектарига иккинчи марта маккажўхори экдик. Бу чорва молларимизни декабрь ойнинг кўк масса билан таъминлаш имконини беради. Бундан ташқари 60 гектар ерга рапс, 10 гектар майдонга перко экдик. Ҳар гектаридан 250 центнердан кўк масса оламиз ва бу билан чорва моллари қирчиллама ниш фаслида ҳам кўк ўт ейди. Бу ўз навбатида қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни камайтирмасликка ёрдам беради.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш бўйича 9 ойлик планни ортиғи билан бажардик. 555 тонна сут соғиб олдик. Бу ўтган йилнинг шу муддатига нисбатан 85 тоннадан ортиқ ёки 18 процент ўсиш демакдир. Бу йил 669 тонна сут етиштиришни планлаштирганмиз. Тўққиз ойлик кўрсаткичларимиздан кейин сут соғиб олишни 712 тоннага етказишга қарор қилдик. 9 ойда 159 тонна гўшт етиштириб, йиллик планни ҳам 103 процентга бажардик. Бу соҳада 14 процент ўсишга эришдик. Яна планга қўшимча йил охиригача 8 тонна гўшт етиштирамиз. Шунингдек, 170 минг тухум етиштириб, йиллик планни 113 процентга бажардик. Пўл охиригача 250 минг дона тухум етиштирамиз. Бу йиллик пландагидан 100 минг дона ортиқдир.

Чорвадорларга қулай маданий-маиший шароитлар яратганмиз. Улар ўртасида социалистик мусобақа тобора авж олдирилянти. Сут-товар фермасида оммавий-снёсий ишлар, дам олиш, санитария, ветеринария, лаборатория хоналари ишлаб турибди. Улар яхшилаб безатилган. Фермада ҳар беш кунда илғор соғувчилар шарафига байроқ қўтарилади. Социалистик мусобақа эса ҳар 15 кунда якунланади. Илғорлар рағбатлантирилади.

Колхозимиз чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш бўйича 9 ойлик якунларига кўра район партия комитети ва район ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. Илғор соғувчи Нозиш Болтаохунова, илғор чўпон Худойназар Алиқулов, товуқбоқар Ахбодулло Абдуллаевлар социалистик мусобақа голиблари сифатида енгил автомашиналар билан мукофотландилар.

Чорва қишловига ҳам пухта ҳозирлик кўриб қўйдик. 400 бош қорамолга мўлжалланган комплекс, сут-товар фермаси, барча бинолар ремонтдан чиқарилди. Барча машина ва механизмлар, озуқа цехи агрегатлари, ситиш системаси, чорвадорлар истиқомат қиладиган бинолар қишловга шай қилиб қўйилган. Қишлов синовидан муваффақиятли ўтиш учун ҳамма чораларни кўриб қўйдик.

А. ҚОРАБОЕВ,
Ленин районидаги Энгельс номли колхоз раиси.

Дунё овози
Чет эл хабарлари

ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИГИ

ХАНОЙ. (ТАСС). Вьетнам Компартияси Марказий Комитетининг Снёсий бюроси ва ВСР Давлат Кенгаши ВКП Марказий Комитети Снёсий бюросининг аъзоси, ВСР Давлат Кенгашининг Раиси Чионг Тинь бошчилигидаги Вьетнам Социалистик Республикаси партия-давлат делегациясининг Совет Иттифоқига ва Кубага қилган расмий дўстлик визитлари якунларини яқдиллик билан маъқулладилар.

ВКП Марказий Комитети Снёсий бюроси ва ВСР Давлат Кенгаши делегация бошлиғининг қардош партиялар ва мамлакатлар раҳбарлари билан бўлиб ўтган музокараларнинг натижалари тўғрисидаги ахборотини тинглаб музокаралар муҳокама этилган барча масалалар юзасидан қарашларнинг тўла мослиги муҳитида ўтганлигини таъкидладилар. Бу эса Вьетнам — Совет ва Вьетнам — Куба қўшма ахборотида, шунингдек Вьетнам делегациясининг визитлари чоғида ВСР билан Куба Республикаси ўртасида имзоланган дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномада ўз ифодасини топди.

ВКП Марказий Комитетининг Снёсий бюроси ва ВСР Давлат Кенгаши Вьетнам делегацияси билан олиб борилган музокараларда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, республика Давлат Кенгашининг Раиси Ф. Кастро билдирган баёнотларни қизғин маъқуллайдилар. Бу баёнотлар СССР ва Куба Вьетнам халқининг революцион ишига зўр эътибор, пролетар интернационализми руҳида муносабатда бўлаётганликларидан ҳамда қардош мамлакатларнинг ҳар томонлама ҳамкорлиги ва қизғин қўллаб-қувватлаши ифодаси эканлигидан далолат беради.

ВКП Марказий Комитетининг Снёсий бюроси ва ВСР Давлат Кенгаши КПСС Марказий Комитети Снёсий бюросига, СССР Олий Совети Президиумига ва совет халқига, Куба Компартияси Марказий Комитети Снёсий бюросига, Куба Давлат Кенгашига ва халқига Вьетнам делегациясини қизғин ва самимий кутиб олганликлари учун чуқур миннатдорчилик изҳор қилдилар. ВКП Марказий Комитетининг Снёсий бюроси ва ВСР Давлат Кенгаши бу визитлар Вьетнамнинг Совет Иттифоқи ва Куба билан дўстлигини, жанговар бирдамлигини ва ҳар томонлама ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қўшилган муҳим ҳисса бўлади, деб ишонч билдирдилар.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ЗАҲАР!

Англиянинг «Морнинг стар» газетасида эълон қилинган мазкур суратда Британия ороллари ва яшовчи минглаб кишиларнинг фожиали тақдири акс эттирилган. Унда Жулия Логан қизчасига гулзор атрофидаги мўъжазгина тўсиқчани кўрсатиб турибди. Англия фирмаларининг бу маҳсулоти — асбест тўсиқча химия саноати чиқиндиларидан тайёрланган бўлиб, атроф-муҳит учун ўта хавфли заҳарли газ тарқатиши маълум бўлди. Энг ёмони, бу газ кишилар ҳаётини ҳавф остида қолдиради. Логанлар оиласи бу ҳақда маъмуриятдан изоҳ талаб этишганида, улар пинак бузмай тўсиқчалар мутлақо зарарсизлигини, ҳатто улардан болалар учун ўйинчоқлар тайёрлаш мумкинлигини сурбетларча маълум қилишди.

(ТАСС фотохроникаси).

ҲИНДИСТОН ЭРИШГАН ЮТУҚЛАР КЎРИГИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Бу ерда анъанавий Ҳиндистон халқаро ярмарка 82-очилди. Ярмарка ишида 37 мамлакат, жумладан Совет Иттифоқи иштирок этмоқда.

Деҳлидаги халқаро ярмарка экономика, илм-фан ва маданиятнинг турли соҳаларида Ҳиндистон Республикаси эришган жуда катта ютуқларни намойиш қилмоқда. Ҳиндистон бўлимида мамлакатнинг деярли барча штатлари ва иттифоқ территориялари, Ҳиндистоннинг уч мингга яқин компанияси қатнашган. Ҳиндистон штатларининг павильонлари мустақиллик йилларида Ҳиндистон эришган тараққиётни яққол кўрсатиб турибди.

Совет Иттифоқи Ҳиндистон ярмаркасида ҳар элдан қатнашаётган энг катта мамлакатлардан биридир. СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида, Совет экономикасини экспорт имкониятлари, Совет фан-техникаси ва маданияти эришган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи 3500 та турли экспонат экспозициясига киритилган.

Анъанага кўра, халқаро Деҳли ярмаркасида иттифоқдош республикалардан бири ўз ютуқларини намойиш қилмоқда. Бу йил СССР павильонида Совет Арманистони алоҳида экспозиция қилиб намойиш этилмоқда.

«Ярмаркамизда доимий қатнашаётганлиги учун Совет Иттифоқидан миннатдормиз, —деди ТАСС мухбирига Ҳиндистон савдо кўргазмаларини ўтказиш комитети раиси М. Юнус. Совет павильони ҳамиша энг қизиқарли павильонлардан бири ҳисобланади. Советлар мамлакатининг ютуқлари ярмаркани келиб кўраётган юз минглаб ҳиндларда ғоят эўр таассурот қолдирмоқда».

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

УЛАН-БАТОР. Пойтахтдаги Совет фани ва маданияти уйида Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига ҳамда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган катта рус тили байрами бўлиб ўтди. Байрамда Улан-Батор мактабларининг командалари—аввалги конкурс ва кўрикларнинг голиблари иштирок этишди. Ўқувчилар шеърлар ўқишди, рус қўшиқларини ижро этишди, «Ким Совет Иттифоқини энг яхши билади» викторинасида қатнашган байрам иштирокчилари рус тилини жуда яхши билганликларини намойиш этдилар. Уларнинг кўпчилиги махсус мукофот ва ёрлиқларга сазовор бўлдилар.

МАНАГУА. Қўшма Штатлар қўллаб-қувватлаб турган Гватемала ҳарбийлари яна қонли жиноят қилдилар. Сўнгги икки кун мобайнида қотиллар деҳқонлардан 200 дан кўп кишини отиб ўлдирдилар.

Мамлакат ғарбидаги Хуа-Рик-Сайя дарёсининг ўзидагина 70 кишининг, асосан кексалар, хотин-қизлар ва болаларнинг мурдалари топилди. Гватемала деҳқонлар ташкилотининг бу ерда тарқатилган баёнотида шулар ҳақида хабар қилинади.

САН-ХОСЕ, Санта-Анита, Чимальтенанго департаментидаги Каноа аҳоли пунктларида оммавий қирғин юз берган. Ҳукмрон режимга хизмат қилаётган армия бўлинмалари ва ҳарбийлашган тўдалар деҳқонлар ва индейцларнинг икки мингдан кўп турар-жойларини ер билан яксон қилдилар ёки ўт қўйдилар, қишлоқ хўжалик майдонларини яксон қилиб ташладилар.

КОБУЛ. Апрель революцияси душманларининг ёлғон-ящиқ пропагандасига учган ва аксилинқилобий ишларга жалб этилган афғон гражданларидан 2500 киши маъмурларга ихтиёрий равишда таслим бўлди. Улар Апрель революциясининг чинакам инсонпарварлик характерини чуқур тушиниб, шундай қарорга келганликларини айтмоқдалар. Контрреволюцион группаларнинг собиқ аъзолари ихтиёрий равишда маъмурларга таслим бўлганлиги муносабати билан Кобул чеккасидаги шаҳарда оммавий митинг бўлиб ўтди. Митингда Афғонистон пойтахти ва яқин атрофдаги қишлоқларнинг аҳолисидан 6 мингдан зиёд киши иштирок этди. Группаларнинг собиқ аъзолари митингда гапириб, ўз ишларидан ғоят пушаймон эканликларини айтдилар ва афғон халқини алдашга уринаётган душман пропагандасини қаҳр-ғазаб билан қораладилар. Улар бутун афғон меҳнаткашлари билан биргаликда ватан фаровонлиги йўлидаги бунёдкорлик меҳнатида иштирок этишга, Апрель революцияси ғалабаларини ҳимоя қилишга шай эканликларини билдирдилар.

ТОКИО. Япониядаги хусусий компаниялар келгуси йилнинг баҳорида ўрта мактабларни битирувчиларини ишга қабул қилишни қарийб 15 процент қисқартиришга қарор қилдилар, дейилади мамлакат меҳнат министрлигининг бу ерда эълон қилинган докладида. Министрликнинг фикрича, бу Япония саноатининг кўпгина етакчи тармоқларида депрессиянинг чуқурлашаётганлиги оқибатидир. Ана шу тармоқларда ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан қисқармоқда.

(ТАСС).

Мард майдонда синалади

«ОҚ ОЛТИН» ҚАДРИ

Одатда бир сўзни қайта-қайта такрорласак, гарчанд энг боқий ҳақиқат бўлса-да, ўша ибораниг қиммати озми-кўпми сийқаланган бўлади. Биз пахтани «оқ олтин» деб атаймиз. Бу сўзни кўп қайтарамиз. Бироқ пахтанинг чинакам қиммати худди мана шу ташбиҳда мужассам эканлигини баъзан чуқур ўйламаймиз.

Чиндан ҳам пахтани нима учун «оқ олтин» деб атайдилар. Унинг олтинлиги нимада? Умуман пахта билан олтиннинг нима алоқаси бор?

Ўлкамизда икки минг йилдан буён пахта экилади. Тарихчи олимлар буни исбот қилишган. Наманган яқинидан топилган қадимий қабристонда пахта толасидан тўқилган арқон чиққан. Бу арқоннинг ёши икки мингдан ошган экан. Бинобарин Ўрта Осиё территориясида пахтачилик билан қадим-қадим замонлардан шуғулланиб келганлар. Ўша пайтдаёқ пахтадан матолар тўқилган, эҳтимол ўша пайтдаёқ чигитдан ёғ олишни ота-боболаримиз билишгандир.

Биз биламиз: эгнимиздаги кийимимиз, ором олиб ётадиган тўшагимиз пахтадан бўлган. Биз биламиз: еб турган таомимизда пахтанинг мойи бор. Бироқ булар пахтанинг фақат биринчи қарашда кўзга ташланадиган маҳсулотлари холос. Ҳозирги замонда пахта толасидан 50 хилга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ғўзапоя билан унинг барги ҳам бекор кетмайди. Ғўза ва унинг баргидан юз хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Чигитнинг фақат мойи олибгина ишлатилмайди. Унинг магзи устидаги пардаси ҳам, чигит пўчоғи ҳам ниҳоятда фойдали. Хуллас чигитдан 45 хил маҳсулот ишлаб чиқарилади. Елдек учиб юрадиган машиналарнинг гилдирагига пахта толаси аралаштирилмаса бир қадам ҳам жилаолмайди. Ўзимиз даволанадиган кўплаб шифобахш алкалоидлар ғўзапоядан олинади. Ғўза баргидан олинадиган кислоталар саноатнинг юзлаб тармоқларида ишлатилади. Боринги, ёзадиган қоғозимиздан тортиб сиёҳимизгача, космик кема ёнилғисигача барчасида пахтанинг улуши бор. Шу жиҳатдан қараганда пахта олтиндан кўра қимматлироқ.

Ўлкамиз, халқимиз зиммасига пахта етиштиришдек мураккаб, аммо шарафли вазифа тушган. Бир эмас, 6 миллион тонна пахта хирмонини уюш қийин, жуда қийин иш. Айрим кишилар бор. Радиода гапирганида ҳам, матбуотда мақола эълон қилганида ҳам «об-ҳаво қийинчиликларига қарамай» деб сўз бошлашади. Эҳтимол бу ўринда баъзан машаққатлар ошириброқ айтилгандир. Бироқ, бу йил пахтакор учун айниқса машаққатли йил бўлди. Сув танқислиги, табиат инжиқликлари, кетма-кет ёмғирлар, селлар, шаҳ моллар, ниҳоят кузнинг эрта тушиши, ёғин-сочинлар буларнинг ҳаммаси пахтакор меҳнатини янаям машаққатлироқ қилди. Бироқ халқимиз аҳдидан қайтмайдиган, мўлжаллаган манзилидан чекинмайдиган халқ. Кўп марта ўзим гувоҳи бўлганман. Бухорога борганимда сел олиб кетган пахтазор четида кўзида ёш билан далага тикилиб турган кексаларни кўрганман. Фарғонада жала ёғиб пахтазорни сув босаётганида уйидан кўрпасини олиб чиқиб марзага ташлаган собиқ фронтовикни кўрганман. Ниҳоят яқинда Пискент районига борганимда Тошкент шаҳрининг Октябрь район штабида бўлиб, шаҳардан чиққан минглаб ҳашарчиларнинг далаларда пахта териб юрганини кўрдим. Шунда кўп нарсаларни ўйладим.

Бухоролик кекса пахтакор сув босган далага тикилиб турганида нима учун кўзига ёш келди? Фарғоналик пахтакорни сел олиб кетаётган далага чиқиб сув йўлини кўкси билан тўсишга нима мажбур қилди? Мабодо, америкалик фермер пахта даласи сув тошганида шундай қиларми эди? Ҳа, қилар эди. Негаки, у ҳосилсиз қолса хонавайрон бўлишини биларди. Бироқ ўзбек пахтакори, совет киши ҳар қандай вазиятда ҳам турмуши тўғри ердан кетишини, ҳар қандай ҳолатда ҳам эртага оч-яланғоч қолмаслигини яхши биладику? Нима учун у пахта деганда жонини жабборга беради? Бунинг боиси шундаки у ўзи қилаётган меҳнат нақадар керакли эканини, пахта бепоён мамлакатимиз учун ниҳоятда зарурлигини чуқур ҳис қилади. Бундан ташқари бизнинг пахтамизга фақат қардош республикаларгина эмас, ер юзининг турли нуқталарида меҳнат қилувчи юз мингларча одамлар кўз тутиб турибди. Бу ёғи Японниядан тортиб, у ёғи Финляндиялгача, бу ёғи Чехословакиядан тортиб у ёғи Германия Федератив Республикасигача, бизнинг пахтамизга мунтазир. Агар пахта толаси ўз вақтида етиб бормаса ўнларча мамлакатлардаги юзларча заводлар, юзларча заводлардаги ўн минглаб станоклар-у, юз минглаб ишчилар бекор туриб қолади. Шундай экан, далада тер тўкаётган пахтакор ўзининг интернационал бурчини, қолаверса, инсонлик вазифасини бажараётганини яхши ҳис қилади. Худди шу боисдан оқсоқол қариялардан тортиб мактаб ўқувчисигача, механизатор қиздан тортиб студентгача, галлакордан тортиб, ишчигача — барчамиз бугунги кунда пахтакормиз. Шу боисдан ҳам республикамиз партия ва ҳукуматининг меҳнаткашларга Мурожаатини ҳаммамиз лаббай деб қутиб олдик.

Шундай қилиб пахтани «оқ олтин» дейдилар. Эҳтимол қимматбаҳолик борасида пахтани олтинга қиёсласа тўғри бўлар. Бироқ, пахта билан олтиннинг бир-бирига унча мос келмайдиган жиҳатлари ҳам оз эмас. Инсоният тарихида қайсики уруш рўй берган бўлса аввало бойлик учун, олтин учун бўлган. Европаликлар Американинг туб аҳолиси — ҳиндуларни аввало олтин учун қириб ташлаганлар. Шаҳаншоҳлар тож-тахтини олтин билан безаган. Бироқ инсон боласи дунёга келганида ҳеч ким ҳеч қачон чақалоқни олтин билан ўрғаклаган эмас, пахтадан бўлган мато билан ўрғаклаган. Саркардалар олтин бандли қиличи билан одамларнинг жонини олган. Бироқ, ярадор аскарнинг жароҳатига ҳеч ким олтин босган эмас, пахта босган. Ниҳоят инсон сўнгги йўлга кетаётганда ҳам марҳум ҳеч қачон олтин олиб кетмайди. Унга пахтадан тўқилган мато ҳамроҳ бўлади. Эҳтимол шу боисдан —эзгуликка хизмат қилиши боисдан пахта олтиндан нўра азизроқдир. Эҳтимол шунинг учун ҳам пахтакорнинг меҳнати аскарнинг машаққатидан, заргарнинг ҳунаридан азизроқдир, нозикроқдир. Худди шу боисдан жаҳондаги энг инсонпарвар меҳнат кишисига —пахтакорга, пахтакор халқимизга ҳамиша таъзим қилгим келади.

Ў. ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

Бугун республикамизда ҳамма пахтакор. Ҳали даларда олтин қўлли бободеҳқонлар етиштирган пахтамизнинг бир миллион тоннаси бизларга интизор. Буни сидқидилдан ҳис этган ҳар бир киши ўзини пахтазорда, деҳқонлар билан бир сафда деб билмоқда. Пахтакорларга яқиндан кўмаклашиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, қалб кўри, манглай тери билан етиштирилган ҳосилни тезроқ саранжом саришталаб олиш ишқида Қува районидаги «Ленинизм» колхози территориясида истиқомат қилаётган 120 нафардан зиёд отахон ва онахонлар ҳам далада жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Уларнинг ҳар бири холисона меҳнат қилиб, колхоз хирмонининг тезроқ юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ушбу суратда олийҳиммат, табаррук қариялардан Сотволди ота Исабоев, Шарофиддин ота Сандов, Давлат ота Абдурахмонов, Раҳмон ота Исмонлов, ва Камолиддин ота Ҳасановлар акс эттирилган.

Ш. Холиддинов фотоси.

ФУРСАТ ҒАНИМАТ

Ҳар миллион тоннамиз — бир пилла поя,
«Оқ олтин» тоғида ярқирар қоя!
Кун сайин ошаркан яна бир довон,
Соллана-соллана одимлар карвон.

Ғайрат камарини боғлаб мардона,
Ҳиммат этагидан тўкинг дурдона.
Бўй чўзиб хирмонлар Зуҳрони кучсин,
Кумуш чўққиларга Ҳумодек учсин.

Назир оталарга бўлиб мададкор,
Улуғвор теримга берайлик барор!
Кузнинг ҳавосидан қутмайин нажот,
Олий ниятларга боғлайлик қанот!

Дўстларим, суръатга қўшайлик суръат,
Фурсат ғаниматдир, ғаниматдир фурсат!
Табаррук заминда унган дурдона
Улуғ юрт тўйига туҳфа, тўёна.

Қутлуғ тўй хирмонин кўтариб баланд,
Маррага етайлик бўлиб сарбаланд,
Кумуш қояларда порлайди гавҳар,
Отни қамчилашиб, қучайлик зафар!

Ҳ. ҲОМИДИЙ,
Низомий номидаги Тошкент педагогика институти ўқи тувчиси.

ҲИММАТ

Бугунги кунда республикамизда ҳамма пахтакор. Билагида кучи, юрагида ғайрати жўш урган ҳар бир азамат ўз ўрнини далада, пахтакор-деҳқонлар ёнида деб билмоқда. «Оқ олтин» ижодкорлари қатори бир жону бир тан бўлиб сидқидилдан меҳнат қилаётган ҳашарчилар орасида студентларнинг ҳиссалари ҳам салмоқли бўляпти. Бу борада Халқлар дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалиги институти Фарғона филиали студентларининг олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ.

Шу кунларда филиалнинг 1200 нафар студенти олтин водийнинг Олтиариқ районидаги «Ленинобод», «Октябрь 60 йиллиги», «Пахтакор» совхозлари ва Охунбобоев номли колхоз пахтазорларида йиғим-теримда фаол қатнашмоқдалар. Студентларнинг ҳар бири кунига эл хирмонига ўртача 60—65 килограммдан «оқ олтин» териб, тўкмоқдалар. Пахта йиғим-теримида экономика-бухгалтерия факультетининг студентлари, айниқса алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда. Бу ўринда Лолахон Абдураззоқова, Дилбархон Исмонлова ва Муборакхон Исмонлова сингари студентлар бошқаларга намуна бўлишяпти.

Р. СУЛТОНОВ.
Тошкент қишлоқ хўжалик институти Фарғона филиали студенти.



Бугунги кунда Умрзоқ Ўзибоевнинг номини Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозда кўпчилик моҳир механизатор сифатида ҳурмат билан тилга олади. У бунга ўзининг ҳалол меҳнати туфайли эришяпти. Мавсумда 250 тонна пахта териш мажбуриятини олган бу суворий ўз ваъдасига вафо қилиш йўлида ҳозир ҳам далада жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётир.

СУРАТДА: моҳир механизатор У. Ўзибоев.

А. Зуфаров фотоси.

ПАХТА НОБУДГАРЧИЛИГИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАСИН

ҲОЗИР ҲОСИЛНИ ТЕЗРОҚ, ҲЕЧ НОБУД ҚИЛМАЙ ТЕРИБ ОЛИШДАН, ОЧИҚ КЕЛГАН ҲАР БИР КУН ВА ҲАР СОАТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДАН МУҲИМРОҚ ВА МАСЪУЛИЯТЛИРОҚ ВАЗИФА ЙЎҚ.

(Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан).

Бу йилги «оқ олтин» йиғим-терими мураккаб шароитларда ўтяпти. Республикамиз далаларида ҳар бир тонна пахта учун кураш кетяпти. Қишлоқ меҳнаткашларига шаҳарликлар кўмакка келишди. Ана шундай бир вазиятда етиштирилган ҳосилнинг ҳар бир мисқоли бебаҳо эканлигини узоқ тушунтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Ҳозир ҳом ашёни сақлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этяпти. Республика прокуратураси бу йўналишда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1982 йилда ҳосилни йиғиштириб олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашни ва 1982—83 йилларда чорва қишловини муваффақиятли ўтказишни таъминлаш бўйича қўшимча чоралар тўғрисидаги қарори, шунингдек, КПСС Марказий Комитети май Пленуми талабларини ҳисобга олган ҳолда изчил иш олиб боришяпти.

Прокуратура ходимлари ички ишлар, юстиция органлари, судлар билан биргаликда, халқ назоратчилари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда текширишлар ўтказишяпти. Ҳамма жойда «оқ олтин» имизнинг нобуд бўлишига қарши курашиш бўйича постлар ва оператив группалар ташкил этилди ҳамда фаолият кўрсатмоқда. Нобудгарчиликнинг олдини олишда профилактик тадбирларга алоҳида аҳамият бериляпти. Бунда совхозларнинг ишчилари, колхозчилар билан суҳбатлар ўтказиш, маҳаллий матбуотда ана шу соҳада масъулиятни ошириш ҳақидаги мақолалар бериш муҳим роль ўйнаяпти.

Текширишлар мобайнида шу нарса аниқландики, республикамиздаги кўпчилик колхоз ва совхозларда пахта ҳосилини тўла сақлаб қолиш, йиғим-терим ишларини моҳирона ташкил этиш учун зарурий чоралар кўриляпти. Шу билан бирга баъзи хўжаликлар, бўлимлар ва бригадалар раҳбарларининг бепарволиги, назоратни сусайтиришлари натижасида ўғирлик, далани пайҳон этиш, териш ва ташиш вақтида пахтани нобуд қилиш фактлари олдини олмаганлар.

Хоразм ва Сирдарё областларида пахтани ўғирлаш ҳамда хом ашёни қонунга хилоф равишда қайта ишлаш ҳоллари рўй бермоқда. Масалан, Ҳазорасп район прокуратураси 7,8 килограмм пахтани ўғирлаб чиқиб кетаётган читини чиқарганлиги учун «Ленинград» колхози аъзоси Р. Отамуродов устидаги жиноий иш қўзғатди. Янгибозор районидаги Куйбишев номли, Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номли, Хонқа районидаги «Правда» колхозларида терилган пахта ўз вақтида қабул қилиб олинмаганлиги оқибатида колхозчилар уйларда бир мунча вақт сақлашга мажбур бўлганлар; бундай ҳол пахтанинг ўғирланишига олиб келиши мумкин.

Аҳолини пахта йиғим-теримига сафарбар қилиш мақсадида хонадонларда бўлинганида Сирдарё районидаги «Правда» колхози аъзоси И. Холжигитовнинг уйида ўн килограмм пахта топилган.

Айрим хўжаликларда пахтазорлар яхши қўриқланмаганлиги оқибатида катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни пайҳон қилиш ҳоллари содир бўлаётир. Масалан, Ғузор районидаги Гагарин номли колхозда П. Йўлдошевнинг моли 0,18 гектар майдондаги пахтани пайҳон қилиб ташлаган. Район прокуратураси мол эгаси устидан жиноий иш қўзғатиб, ишни судга ошириди. Моддий зарар ундириб олинди. Шу райондаги Ленин номли совхоз ишчиси Т. Шиннаев молини пахтазорда боқиб, хўжаликка 1300 сўм зарар етказганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Тошкент областининг Бўка, Пискент, Коммунистик ва бошқа баъзи районларининг айрим хўжаликларида октябрь иккинчи ўн кунлиги даврида пахтанинг молга сдирилиши факти 44 жойда аниқланган. Бу хил ҳоллар бошқа областларда ўтказилган текширишларда ҳам аниқланган.

Андижон ва Фарғона областларида пахта экилган жойларга ўзбошимчалик билан иморат қуриш ҳоллари рўй берган. Масалан, Фарғона районидаги «Коммунизм» колхозидан 1-бригада бошлиғи А. Қўчқоров эгаллаган вазифасини суистеъмол қилиб, бригада аъзолари М. Еқубов ва Т. Ҳожиевлар билан бирга 0,18 гектар пахта майдонига участка қурмоқчи бўлишган. Андижон районидаги Карл Маркс номли совхозда яшовчи Х. Каримов уй қуриш учун 0,04 гектар майдондаги ғўзапояни чопган. Совхоз мутахассисларининг айтишича, қариб 130 килограмм биринчи сорт пахта олинмай қолган. Район прокуратураси мазкур ҳолни жиноий иш сифатида тергов органларига топширди.

Айрим колхоз ва совхозларда ғўзани сувга бостириш ва заҳарли химикатлар билан нотўғри дорилаш оқибатида ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўйилган. Масалан, Қўшкўпир район прокуратураси Калинин номли колхоз тракторчиси С. Абдуллаевни жиноий жавобгарликка тортди. У ғўзани дорилаш вақтида заҳарли химикатлар билан ишлаш қоидасини қўпол равишда бузиб, 2,45 гектар ердаги экиннинг қуриб қолишига олиб келган. Бу колхозга 1297 сўмга тушган.

Самарқанд область Иштихон районидаги Энгельс номли колхозда етиштирилган ҳосилни сақлашга хўжасизларча муносабатда бўлинган. Бу ерда бригада бошлиғи Э. Раҳимовнинг совуққонлиги оқибатида тўкилган пахтани териш ташкил этилмаган. Натижада 1429 килограмм ҳосил нобуд бўлган, хўжаликка келтирилган зарар деярли минг сўмни ташкил этган. Район прокуратураси Э. Раҳимов устидан жиноий иш қўзғади.

Фарғона область Ўзбекистон районидаги «Пахтакайнар» колхозининг 2- ва 20-бригадаларида тўкилган пахта териб олинмасдан пайкалда сув бостирилган. Ҳар гектар майдонда тахминан 120 килограммдан пахта сув остида қолган.

Шу хил ҳолатлар Риштон районидаги «Коммунизм», Андижон область Москва районидаги «Ленинград» колхозларида ҳам рўй берган. Барча айбдор шахслар муносиб жазога тортилди.

Бухоро, Наманган, Андижон, Жиззах, Сирдарё областларининг айрим колхоз ва совхозларида ҳосил йиғим-терими қониқарсиз ташкил этилганлиги оқибатида пахтанинг нобуд бўлиш ҳоллари учрамоқда.

Текшириш ўтказилганда пахтани ҳом териш, уни дала ва хирмонларда ташишда нобуд қилиш ҳоллари ҳам аниқланяпти. Масалан, Навоий районидаги пахта тозалаш заводи текшириш ўтказилган куни пахтанинг намлик даражаси юқори бўлганлиги учун хўжаликларга 90 тоннадан кўп ҳосилни қайтарган. Унинг 41,9 тоннаси «Коммунизм» колхозига тегишли бўлган Шунингдек, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона областларининг баъзи хўжаликларида ҳам ҳом пахта териш ҳоллари учрайди. Масалан, текшириш ўтказилган куни Самарқанд область Нарпай районидаги «Чархин», «Москва» ва Ленин номли пахта қабул қилиш пунктлари тегишли равишда 1450 тонна, 1930 тонна ва 510 тонна намлик даражаси юқори (13,5 процентгача) ва ифлос (II процентгача) пахтани қабул қилиб олган. Аммо шунга қарамай қуритиш барабанлари ишга туширилмаган. Ленин номли пахта пунктида қабул қилинган ҳосил унинг намлиги ва ифослигини ҳисобга олмаган ҳолда бунтланган. Оқибатда пахта нобуд бўлмоқда. Бунтлар атрофидаги тўкилган ҳосил йиғиштириб олинмаган.

Жиззах область Дўстлик районининг прокуратураси пахтани ташишда нобудгарчиликнинг олдини олмаганлиги ва терилган ҳосилни бункердан тўғридан-тўғри ерга бўшатганлиги учун Саркисов номли совхознинг 3-бўлими ва Қ. Раҳимов номли совхознинг 6-бўлимидаги мансабдор шахсларни тартибга чақирди.

Хива районидаги Беруний номли ва «Хива» колхозларининг айрим бригадаларида йўл четларида, пайкал ёқаларида ҳар юз метр масофада 150—200 грамм пахта нобуд қилинган. Сирдарё, Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё ва Фарғона областларининг айрим хўжаликларида ҳам ана шундай фактлар учрамоқда.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатида юбилей йилининг қийинчилик билан етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш ҳамма учун катта синов эканлиги жуда тўғри таъкидланган. Дарҳақиқат, 6 миллион тонналик «оқ олтин» хирмонини яратишнинг йўли фақат битта — у ҳам бўлса — республикада яшовчи ҳар бир киши «оқ олтин» ҳосилининг тақдири учун шахсан жавобгар эканини англашидадир. Ҳали мавсум давом этар экан, пахта ҳосилини сақлашга қаратилган қонунларнинг бажарилиши юзасидан назорат ўтказиш ҳам давом этади.

Н. БУРИХУЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР прокурори, 2-класс юстиция давлат маслаҳатчиси.

УЮШҚОҚЛИК НАМУНАСИ

Хўжалигимиз меҳнатчиларига юбилей йили мўл ҳосилини бунёд этиш учун мураккаб шароитларда ишлашга тўғри келди. Баҳорнинг ғоят қурук келиши яшил пайкаллар ҳосил қилишда қийинчиликлар туғдирган бўлса, ёзнинг охирларидаги ўта жазирама иссиқ ниҳоллар салмоғига катта зиён қилди. Лекин тажрибакорларимиз об-ҳавонинг ана шу ноқулайликларига катта маҳорат ва бой тажрибаларини қарши қўйиб, фидокорона меҳнат қилдилар. Натижада мўл ва эртаги пахта ҳосили етиштирилди.

Ҳосил тўплаш билан боғлиқ барча ишлар пахта йиғим-теримига пухта ҳозирлик кўриш билан бирга қўшиб олиб борилди. Терим ҳар томонлама уюшқоқлик билан олиб борилди. Бу борадаги барча ишлар ипатоволиклар методи асосида ўтказилди. Тадбиркорлик билан социалистик мусобақа асосида иш юритиш муваффақиятлар гарови бўлиб хизмат қилди. Заршуносларимиз ҳозирга қадар ҳосилдорликни гектар бошига 42 центнердан ошириб юбордилар. Айни кунларда улар дастлабки ғалаба нашидасидан руҳланиб, 50 центнерлик маррани забт этиш учун кураш қизғин давом эттиряптилар.

Колхозимиз дала миришкорлари қўлга киритаётган меҳнат ютуқлари ҳақида гапирганимизда тажрибакор деҳқонлар, мўл ҳосил усталари номини тилга олмасдан бўлмайди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Раҳимбой Бобожонов ана шулардан бири. Бу тажрибали деҳқон етакчилик қилаётган бригада азаматлари 100 гектар майдондан ўртача 52 центнердан хирмон уйиб, хўжаликда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини шараф билан уддаладилар. Ҳозир бу байрокдор коллективнинг асосий диққат-эътибори гектаридан 60 центнердан ҳосил топширишга қаратилган.

Машариф Дўстқонов, Юсуф Жуманиёзов, Қурбонбой Эшжонов, Ибрагим Мадраимов, Юсуп Файзуллаев, Саид Юсупов, Исмоил Отажонов, Мадамин Йўлдошевлар етакчилик қилаётган бригадалар коллективларининг ҳам хўжалик «оқ олтин» хирмонидаги ҳисаси салмоқли бўляпти. Йиллик маррани биринчилар қаторида ортда қолдирган бу коллективларнинг заршунослари ҳозир кўшимча мажбурият ҳисобига пахта топширяптилар.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатини якдиллик билан қутиб олган хўжалигимиз марду майдонлари об-ҳаво ноқулайликларига қарамай, ҳосилнинг сўнгги граммигача теріб олишга қарор қилдилар. Шу эзгу мақсад йўлида ҳар бир ғаниматдақиқадан унумли фойдаланишга, терим суръатини асло бўшаштирмасликка ҳаракат қиляптилар. Бу борада айниқса «зангори кема» капитанларининг ҳиммати баланд бўляпти. Энг яхши механик ҳайдовчилар хусусида гап борганда С. Оллаберганов, Ж. Ораев, М. Исмоилов, М. Ниёзматов, Э. Ҳожиев, А. Еқубов; П. Маматовлар номи фахр билан тилга олинади. Уларнинг ҳар бири терган пахта 150 тоннаданни ташкил этади.

Машиналарни унумли ишлатиш билан бирга кўл терими фидойлари ишини ҳам бутун чоралар билан рағбатлантириб боряпмиз. Анор Ҳусанова, Дурҳон Файзуллаева, Шукуржон Давлатова, Ойбиби Мухторова, Гул чеҳра Одамбоева сингари ўнлаб кўл терими машъаллаларининг ҳар бири 8—10 тоннадан пахта теріб берди, 200 дан ортиқ кўпмингкилограммчи теримчилар ўртача 6—8 тоннадан пахта теріб, хирмонга барака киритдилар.

Пахтазорларимизда ҳали ҳосил кўп. Заршуносларимиз билан бир сафда турган ҳашарчилар ҳам ғайрат кўрсатаётир. Уларнинг ҳиммати билан колхозимиз азаматлари интилаётган навбатдаги 50 центнерлик довон тобора яқинлашмоқда. Ҳа, биз уни ҳам албатта забт этамиз. Ялпи сафарбарлик ана шундан ғувоҳ бериб турибди.

Р. АБДУРАҲИМОВ,
Урганч районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси.

ЯКУБ КОЛАС ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

ХАЛҚ ДИЛИНИНГ КУЙЧИСИ

«Белорус халқининг шонли фарзанди Якуб Колас халқнинг ўй-хаёллари, дард-аламлари, қувонч-орзулари билан яшади, халқ қалби характерига чуқур кириб борди, ҳақиқий шоир сифатида жонажон белорус табиатининг жозибасини реал тасвирлади», деб ёзган эди. «Правда» газетаси 1942 йил да у ҳақда.

Шу кунларда белорус адабиётининг асосчиларидан бири, Белоруссия халқ шоири, республика фанлар академиясининг академиги, Давлат мукофотларининг лауреати Якуб Колас туғилган кунинг 100 йиллиги бутун мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Константин Михайлович Мицкевич (Якуб Колас) 1882 йилнинг 3 ноябрида Неман дарёси соҳилидаги Акинчици қишлоғида ўрмончи оиласида дунёга келган. Бошланғич таълимни уйда олган Якуб Колас халқ мактабида, ўқитувчилар семинарисида ўқиди, сўнгра бир неча йил мобайнида ўқитувчилик қилди. Халқ оғзаки ижоднётн, белорус табиати Якуб Коласга кучли таъсир кўрсатди, натижада хали болалигидаёқ қалбида ажиб туйғулар, ҳислар жўш урди, шеърлар ёза бошлади.

У 11—12 ёшларида шеър машқ қила бошлаган бўлсада, биринчи шеъри 24 ёшида —1906 йилда босилиб чиқди. Якуб Колас ҳаётга эндигина қадам қўйиб келаётган пайтларидаёқ самодержавининг душманига айланди.

Деҳконлар ўртасида инқилобий иш олиб борганлиги, ўқитувчиларнинг яширин съездида иштирок этганлиги, революцион шеърлари учун уч йил қамоқда ётиб чиқди. Шундан кейин турли шаҳарларда ўқитувчилик қилди, сўнг армияга чақирилди, ҳарбий хизматдан бўшагач, мактабда инструктор бўлиб ишлади. 1921 йилда ниҳоят Минск шаҳрига кўчиб келиб, маданий ҳаётда актив фаолият кўрсатди. Бадиий ижодни давлат, илмий педагогик фаолият билан қўшиб олиб борди.

Якуб Колас ижодининг бошланиши биринчи рус революциясидан кейинги —самодержавие ҳар қандай эркин ва илғор фикрни тақиб остига олган қийин даврга тўғри келди.

Шоир ижодига Крилов, Пушкин, Некрасов, Шевченко, Горький сингари буюк санъаткорларнинг таъсири катта бўлди. Айниқса, улуғ пролетар адиби Максим Горький бошқа ёш ижодкорлар қатори Якуб Коласнинг ижодий камолатида муҳим роль ўйнади. М. Горький 1910 йилда ёзувчи А. С. Черемовга ёзган хатида икки ёш белорус шоири ҳақида шундай деганди: «Сиз белорус шоирлари Колас ва Янка Купалани танийсизми? Мен яқиндагина улар билан танишдим —асарлари менга ёқди. Содда, самимий ва сезишимча чинакам халқчил». Якуб Коласнинг дастлабки шеърларидаёқ шоирнинг номини бутун Белоруссияга машҳур қилиб юборди. 1910 йилда шоирнинг дастлабки шеърий тўплами «Хасрат қўшиқлари» босилиб чиқди. Сўнг қатор ҳикоялар, фельетонлар ёзди. «Хикоялар», «Қадрдон образлар» номли икки насрий тўплам нашр эттирди. Бу тўпламларга кирган шеърий ва насрий асарларда белорус меҳнаткашларининг оғир ҳаёти, дард-аламлари, халқ онгининг уйғонаётган реал тасвирланган.

Якуб Колас ижоди бошқа улуғ шоир Янка Купала ижоди билан бирга белорус адабиётига пойдевор бўлди.

Шоирнинг совет ҳокимияти йилларидаги ижоди ғоят самаралидир. «Янги ер», «Мужикачи Симон» сингари достонларида XIX аср охири ва XX аср бошларидаги белорус воқелиги, деҳконларнинг турмуши, психологияси, озод ликка интилиши типик миллий характерларда ўз ифодасини топган. «Айрилишда» трилогияси санъаткорнинг энг машҳур асарларидан бири бўлиб, унда белорус халқининг инқилобдан илгариги ҳаёт, ўз эрки учун кураши кенг эпик планда тасвирланган.

Шоир ва носир замонининг долзарб масалаларига «лаббай» деб жавоб берган санъаткор эди. «Ҳаёт кенгликларида», «Ботқоқлик», «Талаш бобо» асарларида қишлоқларни социалистик қайта қуриш, колхоз деҳконлари сиёсий онгининг ўсиши тараннум этилган. «Баликчининг уйи» достони белорус поэзиясидагина эмас, бутун совет шеъриятида сезиларли воқеа бўлди. Бу асарда белорус халқининг социалистик тузум учун олиб борган мардонавор меҳнати, уруш майдонларида кўрсатаётган қаҳрамонлиги, она табиатни қўйловчи асарлар билан бирга ўзбек элининг шонли фарзандлари, Узбекистон табиатини мадҳ этувчи асарлар ҳам талайгина. Жумладан, «Чимён», «Узбекистонга», «Қуёш ботаётганда», «Салор» каби асарлар шулар жумласидандир. Шоир ўзбек элига муҳаббатини, нон-туз ҳурматини қайноқ мисраларда тараннум этган:

Жанг йиллари, оғир кунларда,
Сен бизларни олдинг бағрингга.
Қўшиқин ҳам қўйладик бирга,
Сен чорладинг юрак-боғингга.
Қилични ҳам ясадик бирга,
Ёв бошини кессин деб жангда.
Қувват, оташ бердинг сен дилга,
Ўзбек иним, сен доим жонда!

Ўзбек халқи улуғ шоирнинг муҳаббатига муҳаббат билан жавоб қайтаради, уйнинг тўрини берди, асарларини севиб ўқиди, бир неча бор ижодий кечаларини ўтказди, юбилейни тантана қилди. Айниқса, бундан роса 40 йил аввал —1943 йилнинг 3 ноябрида —Улуғ Ватан уруши авжига чиққан паллада Тошкент офицерлар уйида Якуб Колас туғилганлигининг 60 йиллигини нишонлаш кечаси атоқли шоирга ўзбек халқи муҳаббатининг ажойиб намойишига, белорус ва ўзбек халқлари дўстлигининг чинакам тантанасига айланган эди.

Якуб Колас Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Миртемир, Зулфия, Мақсуд Шайхзода ва кўпгина ўзбек ижодкорлари билан дўст тутинганди. Ўзбек шоири ва адиблари ҳам Якуб Коласни севишар, қадрлашар, ўзларига ғоят яқин олиб «Ёқуб ака» деб мурожаат этишарди.

Якуб Колас улкан олим ва драматург ҳам эди. Белоруссия Фанлар академиясининг академиги, СССР Олий Советнинг депутати, БССР Фанлар Академиясининг вице-президенти Якуб Колас улкан давлат жамоат ва маданият арбобидир. Унинг асарлари мамлакатимиздаги халқларнинг тилларига, қатор чет тилларга таржима қилинган.

Белорус адабиётининг асосчиларидан бири, халқ бахтининг оташин куйчиси Якуб Колас асарлари эндиликда бошқа улуғ санъаткорлар сингари барча халқларнинг бадиий мулкига айланди. Шу туфайли Якуб Колас туғилган кунинг 100 йиллиги Белоруссиядагина эмас, барча қардош республикаларда ҳам кенг нишонланмоқда.

Р. ИНОҒОМОВ,
филология фанлари кандидати.

СПОРТ

БУТУНЖАҲОН ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИДА

Швейцариянинг Люцерн шаҳрида Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси давом этмоқда. Бу ерда энг кучли гроссмейстерлар ғолиблик учун кураш олиб боришяпти.

СССР эркаклар командаси составида Анатолий Карпов, Гарри Каспаров, Александр Белявский, Артур Юсупов, Михаил Таль ва Лев Полугаевский дона суришмоқда. Хотин-қизлар терма командаси составида эса мамлакатимиз шарафини Майя Чибурданидзе, Нона Гаприндашвили, Нана Александрия ва Нана Иоселиани ҳимоя қилишяпти. Олимпиадалар қоидасига кўра мусобақада эркаклар командаларидан тўрт нафар (иккита запас), хотин-қизлар командаларидан эса уч нафар (битта запас) шахматчи иштирок этади.

Мусобақанинг икки туридан сўнг АҚШ терма командаси (эркаклар) энг яхши натижага эришиб, 8 очко қўлга киритишга муваффақ бўлди. Шунингдек Швеция, СССР, Англия, ГФР ва Индонезия терма командалари ҳам дастлабки икки турда муваффақиятли қатнашиди. Мамлакатимиз гроссмейстерлари биринчи турда Янги Зеландия командасини 4:0 ҳисобида енгишди. Бунда Карпов, Каспаров, Полугаевский ва Белявский ўз рақибларидан устун келишди. Шахматчиларимиз иккинчи турда Чили терма командаси билан бўлган учрашувда 3,5:0,5 ҳисобида ғолиб чиқишди. Бу сафар Полугаевский, Таль ва Юсупов галабага эришишди. Белявский эса рақиби билан очкони бўлишиб олди.

Хотин-қизлар турнирида Хитой ва Испания шахматчилари пешқадамлик қилишмоқда. Кейинги ўринларда СССР, Руминия ва Польша терма командалари боришяпти. Учинчи турда СССР ва АҚШ терма командалари ўзаро бахс юритишди — 0,5:0.5. Уч партия кечиктирилди.

СССР ва Руминия хотин-қизлари терма командалари учрашувида руминияликлар 1:0 ҳисобида олдинга чиқишди. Икки учрашув кечиктирилди.

ХАЛҚАРО ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ

Афғонистон терма командаси теннисчилари шу кунларда пахтакор ўлкамизда меҳмон бўлиб туришибди.

Куни кеча Афғонистон терма командаси республикамиз терма командаси теннисчилари билан дастлабки халқаро учрашувни ўтказди. Бу ўйинда ўзбекистонлик спортчиларнинг қўли баланд келди — 4:0.

Афғонистонлик теннисчилар учрашувда ютқазишларига қарамай техник ва тактик жиҳатдан яхши ўйин намойиш этдилар. Улар республикамизда яна бир неча ўртоқлик учрашувлари ўтказишади.

БИРИНЧИ МАРОТАБА

Швециянинг Юсдаль шаҳрида тўпли хоккей бўйича Жаҳон кубоги учун финал мусобақаси бўлди.

Маълумки, жаҳондаги клуб командалари иштирок этадиган бундай мусобақа 1980 йилдан бери ўтказилиб келяпти. Ўтган йили Красноярскнинг «Енисей» коллективи ярим финалда Жаҳон кубогининг икки бор соҳиби — Швециянинг «Болтик» клубига ютқазган эди.

Бу сафарги кубок бахсида ҳам «Енисей» ва «Болтик» клублари муваффақиятли қатнашиб, финалга чиқишди. Кескин спорт кураш лари остида ўтган ҳал қилувчи учрашув 2:1 ҳисобида «Енисей» хоккейчилари фойдасига тугади.

Шундай қилиб, красноярсклик спортчилар бундай анъанавий мусобақада биринчи бор зафар қучишди. Пировардида улар Жаҳон кубогининг соҳиби бўлдилар.

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

ОДОБНОМА

ЭЪТИҚОД ВА МАСЛАК— ИНСОН ЗИЙНАТИ

Улуғ зотларга бўлган халқ эътиқодини йўқотиш мумкин эмас. Чунки одамларнинг қалбини ўчира оладиган ўчиргич йўқ.

* * *

Чин одамийлик ҳаётда учрайдиган қийинчиликлардан чекиниб, енгил ҳаёт излашда эмас, балки қийинчиликларни енгиш учун реал имкониятларни топа билиш ва уларни енгиб ўтишдадир.

* * *

Ҳаётда адолат тантанаси учун курашдан қўрқиб муросасозлик қайфияти билан яшаш ҳам уят, ҳам жиноят.

* * *

Хар қандай ваҳший ҳайвонни енгиш учун куч, қурол, маҳорат керак. Лекин нафсни, жаҳолатни, ҳудбинликни енгиш учун эса темир ирода лозим.

* * *

Инсон бир қояга қўтарилгач яна янги қояга дуч келганидек, дилидаги бир орзуси ушалиши билан, янгиси туғилаверади. Шу зайлда у мудом ҳаётда олга интиларади. Бу эса ундаги эътиқод ва маслак туфайлидир.

* * *

Дилдаги орзу-умидлар билан иқбол ўртасида бир кўприк бор. У тинимсиз интилишдир.

* * *

Ҳаётда учрайдиган қийинчиликларни ва зиддиятларни енгиб ўтиш кишидан нечоғлик кўп риёзат ва машаққат чекишни талаб этади. Одам чин оқил инсон бўлиб шаклланишининг замири худди ана шунда.

* * *

Янги ғоялар дурдонаси осмондан тушмайди. У борлиқни кузатиш ва меҳнаткаш халқнинг бой тажрибасини ижодий ўрганиш, диалектик таҳлил қилиш ва ривожлантириш маҳсулидир.

* * *

Шогирдим, баъзан сен дилингдаги пок ва беғубор виждон ҳисларига зид бўлган айрим шахсларнинг ҳаттиҳаракатларини кўриб, ҳайратда қолишинг мумкин. Ана шундай вазиятда ҳеч иккиланмай ўзингнинг улуғвор дил эътиқодингга содиқ қола билишинг сени безовчи энг яхши фазилатдир.

* * *

Оқибатини ўйламай иш қиладиган кишининг ҳаттиҳаракати тубида нима борлигини билмай, билар-билмас сувга калла ташлаётган одамни эслатади. Кўпинча бундай кишиларнинг бошлари харсангга тегади.

* * *

Кишининг ўз олдига қўйган мақсади ва унга эришиш йўлида фойдаланадигаи воситалари унинг ақли ва идрокининг қандайлигидан, ҳаётга бўлган меҳри, маслагидан далолат беради.

* * *

Шогирдим, ютуқлардан ҳовлиқмаслик, қийинчиликлардан чўчимаслик оқиллик белгиси айни пайтда кишидаги ирода ва эътиқоддан далолат.

Раҳимжон УСМОНОВ.

РАИС ДОНА СУРГАНДА...

Колхоз раиси деганда илгарилари ҳамманинг кўз олдига барваста, мўйловдор, чопону яктаги танасига ёпишиб турган киши келарди. Эндиликда эса уларнинг аксариятини завод ёки бошқа корхона директорларидан ажратиш қийин. Биз учратган раис оддий қийинган, эгнида пиджак, бошида чуст дўппи, оёғида ағдарма этик. Анчагина заковатли кўринади.

Раис муҳташам правление биноси орқасидаги боғчага бошлаб бориб, жой кўрсатди. Ўтирдик. Чорпойси ҳам базиларникидек ҳашамдор эмас, оддий ёғоч сўри. Кўрпачалари читдан, лекин пониза. Кўзим дарҳол нарироққа ўрнатилган столлар, уларнинг устига қўйилган шахмат тахталарига тушди...

Агар раснинг ўзи спорт, айни вақтда эса шахмат мухлиси бўлмаганда бу учрашувга ёрдамчилардан биттасини мутасадди қиларди, қўярди. Ҳа, эрта тонгдан қош қорайгунча далама-дала кезиб, сўнг яна бундай «арзимас» ишни ҳам бошқариш шартми раисга. Биз учратган раис буни шарт, деб биларкан. «Баракалла сенга, раис!» деб қўйдим ичимда.

— Отим Тўхтавой, фамилиям Бектемиров, — деб таништирди у ўзини бизга. — Мен сизни бундан йигирма йилча бурун кўргандим. Ўшанда районимиздаги Карл Маркс номли колхозда меҳмон бўлган эдингиз. Мен колхоз комсомол танкилотининг секретари эдим. Сеансда ҳам қатнашганману, натижани айтмай қўяқолай, — хандон отиб кулди раис. — Партия ташкилотимиз секретари Луқмонжон ака билан Наманган маданият ва истироҳат боғининг директори Ҳошимжон ака Нурматовга қарши ғойибона (тахтага қарамай) ўйнаганингизнинг гувоҳиман. Ютқазган улару товуқ шўрвага тушган биз бўлганмиз. Бу сафар у очилиб кетди...

Ўзининг ва бошқаларнинг гапига қараганда раис асл деҳқон боласи эканлиги маълум бўлди. Деҳқончиликка ишқим баландлигидан тузуқроқ илм ололмаган эдим. Кейинчалик бу жуда билиниб қолди. Қариганимда ўқиймаман, деди раис. Дарҳақиқат, зарурат туғилгач, Наманганда қишлоқ хўжалик техникумида сиртдан ўқий бошлабди. Уни аъло баҳолар билан тугатибди. 1978 йили охирларида Тўрақўрғон районидаги Димитров номли колхозга раис қилиб сайлашибди.

Колхоз норентабел хўжаликлардан бўлиб, кўп йиллар давомида планни бажаролмай келаркан. Тўхтавой Бектемиров келгандан бери план — юз. Рентабеллик ҳам жойида.

— Чорвачиликни ҳам тез орада ўрнига қўямиз, — дейди раис. — Бусиз иш битарканми. Ҳозирча ортиқча ем-хашакни бошқа хўжаликларга сотяпмиз. Мол-қўйларимиз сонини кўпайтириб олсак — марра бизники. Биз етиштираётган уруглик маккажўхорига ҳам харидорлар кўп.

ШАХМАТ

Йиғим-терим бошланишидан олдин районда техниканинг шайлиги бўйича кўрик-конкурс ўтказилиб, Димитров номли колхозга иккинчи ўрин берилибди.

— Машина-ускуналарга фақат «ўсма қўйилмаган» эди, холос, — деди даврамизда ўтирган шу ерлик бир киши. Олдинги конкурсда биринчи бўлгандик.

Колхоз спортчилари шу йилги район спартакиадасида ғолиб чиқишибди.

— Волейбол бўйича ўсмирларимиз ютқазиб келишгач, эртасига қатталар командамиз уларнинг «ўчи»ни олишди. Хотин-қизлардан ҳам команда туздик. Ўйинлари чакки эмас, — дейди ғурурланиб раис. — Бир йигитимиз бир йилдан бери ҳозирлик кўряпти. Машғулотларини тугатса, бокс тўгараги очмоқчимиз.

Колхозда бадиий ҳаваскорлик ансамбллари ҳам мавжуд. Уларга музика асбоблари, спортчиларга эса етарли инвентарь сотиб олинган.

... Столлар тахт, шахмат донолари жангга шай. Аста ўша томонга ўтдик. Саволларга жавоб бергач, бир йўла ўйин сеансини бошладик. Сипоҳлар ҳаракатга келди. Рақибларим орасида раис ҳам ўтирибди. У анчагача қаттиқ қаршилик кўрсатиб турди. Айниқса менга энг чеккада дона сураётган бир қизнинг ўйинлари ёқди. Билимдонлиги юриш сайин билиниб турарди...

Буни қарангки, чамаси ярим соатлар ўтгач, районнинг кучли шахматчиси, спорт мастерлигига номзод И. Жалолов сафдан биринчи бўлиб чиқди. Мен унга кетма-кет сипоҳлар қурбон бериб, шоҳини исканжага олган эдим. У ҳам сипоҳларини қурбон қилдию, аммо мотдан қутулиш чорасини тополмай таслим бўлди. Сеанс бир зум тўхтаб қолди.

— Исломхонни биринчилар қаторида ютиб берганингиз ажаб иш бўлди-да, Мамажон ака, — деб қолди бояги киши. — Энди «попуклари пасаядиган бўлди.

— Филни оламан деб, отни уриб қўйибман, — деди шунда Жалолов. — Бўлмаса-ку...

— Тахтанинг ҳар бир хонаси «ҳасрат» дейдилар, — гап қистирилди. Ҳамма миринқ кулди.

Ҳаммадан кўра, раис билан бояги қиз астойдил жанг қиларди. Раисни тахтанинг икки четида «гангитиш»га тушдим. У тўғри йўлдан оға бошлади....

Сеанс охирида бояги қиз билан бўлган ўйин ниҳоясига етди. Тафсилотини айтмай қўя қолай. Натижа дуранг бўлди. Исми Уктамхон, фамилияси Эгамова. Биринчи разрядли, Тўрақўрғон район чемпиони экан. Бу йил мактабни тамомлабди. Колхозда ишламоқчи. Мен унга ўзим ёзган китоблардан бирига дастхат ёзиб, совға қилдим. Ўнинг ўйнини қузатгани келган ота-онасининг боши осмонга етди. Истаса бунақалар республикамизда оз эмас.

Бу ерда меҳнат унумдорлигининг кўнгилдагидек эканлиги кишиларнинг кайфи чоғидигидан, деса бўлади. Аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжлари иложи борича тўлароқ қондирилган жойда шунақа бўлади-да. Райондаги ҳашаматли бинолар-у катта кўчалар, сой бўйидаги дам олиш зонасини кўриб, ҳайратда қолдим. Эсимда. 1949 Ўзбекистон колхозчиларининг шахмат турнири ўтказилиши муносабати билан республика физкультура ва спорт комитети мени Фарғона водийсига юборганда Тўрақўрғонда ҳам бўлган эдим. У вақтларда ҳозир бу ердаги «даблабалар» ҳатто Тошкентдек шаҳри азимда ҳам йўқ эди ҳисоби. Ҳа, кейинги йилларда қишлоқларимиз жамоли жуда ҳам ўзгариб кетгани, одамларнинг умумий савияси қанчалик кўтарилганини ўз кўзим билан кўрдим. Кишиларнинг, айниқса, меҳнат аҳлининг кайфини чор қилишда шахмат ҳам қўл келаётганидан беҳад хурсанд бўлдим.

М. МУҲИТДИНОВ,
СССР спорт мастери.

ҚЎРКАМ БИНОЛАР

Киров номли колхозда замонавий типда қурилган икки қаватли мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Мактаб ўзининг спорт зали, ошхонасига эга. Ундан зиёд фан кабинетлари мавжуд.

Бино қурилишини район колхозлараро механизациялашган кўчма колоннанинг Абдураҳмон Абдуллаев бошчилик қилаётган участкаси қурувчилари олиб бордилар. Янги мактабда ҳозир қишлоқ меҳнаткашларининг 684 нафар ўғил-қизи билим олмоқда.

Шунингдек, Балиқчи районининг марказида ҳам икки қаватли яна бир янги бино қад кўтарди. Бу ерга район халқ маорифи бўлими кўчиб ўтди.

А. ВАҲОБОВ.



ҲАР ТЎҒРИДА

КЎТАРИЛАЁТГАН ОРОЛ

Япон архипелагининг асосий оролларидан бири Хонсю илгари айтилганидек, чўкаётгани йўқ, балки астасекин кўтарилмоқда. Океанограф профессор Хидзо Кагама бошчилигидаги бир группа япон олимлари илгариги гипотезани рад этиб, Тинч океани қиргоқларида турган «Гломар чэленжер» илмий-тадқиқот кемаси ёрдамида бурғулаш йўли билан турли чўқурликлардан олинган тупроқ намуналарини анализ қилган олимлар муайян чуқурликда ер қобиғининг уларнинг тахмини бўйича 3—14 миллион йил муқаддам таркиб топиши лозим бўлган бутун бошли қатлами йўқлигига эътиборни қаратдилар. Япон тадқиқотчиларининг фикрича, Япон архипелаги оролларининг районидаги катта чуқурликларида ер қобиғи қалинлигининг юқорига тик йўналиши янги қатламнинг таркиб топиши учун ҳалқит берган. Хонсю қиргоқларидаги денгиз остида бурғулаш ишларининг олиб борилиши натижасида Тинч океанининг айниқса жануби-ғарбий томонда оролнинг анча кўтарилганлиги аниқланди. Келгусида бу районда, деб тахмин қилишмоқда, япон океанографлари қуруқликнинг янги ер участкаси пайдо бўлиши мумкин.

ЮРГАН ДАРЁ...

Ер юзини аёв айланиб чиқиш мумкинмикан? 25 ёшли ҳиндистонлик Швапан Четтержи бунинг мумкинлигини исботлашга аҳд қилди. У бундан олти йил муқаддам йўлга чиққан эди. Ҳозирданоқ 57 та мамлакатни босиб ўтди. Шу вақт ичида унинг сўзлари бўйича Швапан 20 жуфт пойафзалини кийиб тугатди ва яна у ҳали кўп йўл юриши керак.

(ТАСС).

Кейинги йилларда республикамиз шаҳарлари билан бирга қишлоқ районларининг қиёфаси ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. Область ва районларда қурилиш, ободонлаштириш ишлари авж олдирилиб, янгиянги маъмурий, маданий-маиший ва турар-жой бинолари фойдаланишга топширилмоқда. Қашқадарё воҳасининг кўрик Ульянов райони ҳам ана шундай кўркам ва обод бўлиб бораётган масканлардан биридир.

СУРАТДА: район марказининг умумий кўриниши.
Н. Муҳаммаджонов фотоси.

Телевидение

ПАЙШАНБА

4 НОЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Горнчилар, қаердасиз!»
10.25 «Бу ерда биз яшаймиз». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
11.35 Р. Шчедрин. Иккинчи симфония.
12.20 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 «Энергетика: Бугуни ва эртаси». Телевизион ҳужжатли фильм.
16.05 И. Мисливечек. Ре мажор симфонияси.
16.15 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ягона. Кўп миллатли». Кўп миллатли совет маданиятининг ривожланиши ҳақида.
17.00 «Ленин қалбларимизда». Концерт.
17.40 «Шахмат мактаби». Хатларга жавоблар.
18.10 Мактаб ўқувчиларининг икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони И. Д. Папанин билан учрашуви.
18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва интизом».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Биргаликда аҳил оламиз». Душанба шаҳридаги Иброҳимовлар оиласи ҳақида.
20.00 Футбол бўйича УЕФА кубоги. 1/16 финал. «Хаарлем» [Голландия] — «Спартак» [Москва]. Голландиядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Конгрессдаги жентльменлар». Телевизион спектакль премьераси. Автор — М. Андерсон.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Бугун Макаренко билан». Илмий-оммабоп фильм.
9.35 ва 10.40 М. Ю. Лермонтов. «Мцири». 7-синф
10.10 ва 14.05 Испан тили.
11.15 «Салом, дельфин». Илмий-оммабоп фильм.
11.35 «Сиз яратган боғ». 12.05 «Александр Блок ҳақида монолог».
13.05 Тарих. 9-синф. Ленинча «Искра».
13.35 Д. Д. Шостакович.
14.35 География. Совет географларининг тадқиқотлари.
15.05 «Оғиш бурчаги — ноль». Бадиий фильм [субтитр билан].
16.25 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
19.50 «Ҳужжатли экран». Кинолова. «Олам узра байроқлар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Совет композиторларининг лирик қўшиқлари.
21.30 «Время».
22.05 «Мен яшайдиган уй». Бадиий фильм.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Болалар учун. «Бойчечак» [такрорий].
12.00 «Чипполино». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Маша ва қўнгизча», «Айиқча ва дарёда яшайдиган кимса». Мультфильмлар.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студент қишлоқ хўжалиги отряди».
19.00 Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Февзи Белялов куйлайди.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Қардошлик мушоираси».
20.15 «Ноз-неъмат бунёдкори».
20.30 «Ахборот».
20.50 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Эртага — премьера». Кўрсатувни кинодраматург Ф. Мусажонов олиб боради.
23.40 Янгиликлар.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Р—07466.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўрин босарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-33-81-42. 56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босма хонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543.

А. 1152.